

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
(DSc) 27.06.2017.Fil.15.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

РАВШАНОВ МАҲМУД

НОМИНАТИВ БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМИОЛОГИК ВА
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАВСИФИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Равшанов Махмуд

Номинатив бирликларнинг семиологик ва лексикографик тавсифи 3

Равшанов Махмуд

Семиологическая и лексикографическая характеристика
НОМИНАТИВНЫХ ЕДИНИЦ 35

Ravshanov Makhmood

Semiological and lexicographical characteristic nominatives of unite 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 69

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
(DSc) 27.06.2017.Fil.15.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

РАВШАНОВ МАҲМУД

НОМИНАТИВ БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМИОЛОГИК ВА
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАВСИФИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.3.DSc/Fil.6 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифасида (fdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)га жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Умархўжаев Мухтор Эшонхўжаевич
филология фанлари доктори, профессор

Улуқов Носиржон Мамадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Абдиев Муродқосим Болбекович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги DSc.27.01.2017.Fil.05.02 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01 e-mail: info@fdu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. Диссертация (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х. Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

М.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н. доц.

С.Мўминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилнинг ижтимоий-маданий аҳамияти, унинг жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган хусусиятларининг илмий талқини татбиқий лингвистика, компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси, когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик каби парадигмаларнинг вужудга келиши замирида янада мукаммаллашди. Илм-фаннинг чинакам равнақига эришиш, ташқи дунёга эшикни кенг очиш учун жаҳон фани ютуқларидан вақтида ва тўла хабардор бўлишнинг самарали ва оптимал тизими яратилди. Шу сабабли замонавий татбиқий лингвистика фанининг ютуқлари асосида илмий кузатишлар олиб боришнинг умумсемиологик универсал методлари кўлами кенгайди.

Дунё тилшунослигида татбиқий ва компьютер лингвистикаси соҳасида қатор илмий натижалар амалга оширилган. Барча турдаги ахборот тизимларнинг лингвистик таъминотини ишлаб чиқиш, терминологияни унификациялаш ва стандартлаштириш, ахборотларни ишлаш ва қайта ишлаш, матн (нутқ)нинг автоматик ишланмасининг мукаммал вариантлари яратилган. Тил назариясининг компьютер ва корпус лингвистикаси билан ўзаро муносабатларини тавсиф этувчи ишланмаларда ахборот-қидирув тизимли тезауруслар ҳамда электрон луғатлар тузиш учун илмий-назарий тавсия ва кўрсатмаларнинг вужудга келиши, тил назарияси соҳасида мантиқий семантика, формал онтология, онтологиянинг дидактик тамойиллари, мазмун ва маъно назарияларининг мукаммаллашуви натижасида замонавий татбиқий лингвистика фанининг илмий натижалари асосида умумсемиологик универсал методлардан фойдаланиш фаоллашди.

Сўнгги йилларида миллий тилимизни батафсил ўрганиш, соҳа мутахассислари учун хорижий тилларни мукаммал билиш ҳамда мазкур тилларни ўқитиш самарадорлигини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган йирик семиологик ва лингводидактик ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш ва ҳар бир соҳада фундаментал илмий изланишлар олиб бориш жадаллашди. «... Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир»¹. Таълимнинг барча тизим ва соҳаларида тилларни ўқитишнинг мукаммал комплексини яратиш ҳамда республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига алоҳида эътибор қаратилиши нафақат тилларни ўрганиш ёки ўқитишда, турли хил луғатлар тузишда, балки таржима адекватлигига эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бу ўз навбатида махсус назарий илмий натижаларни тақозо этади. Аксарият ҳолларда коммуникация соҳасида эришилган муваффақият лингвесемиологик таъминот билан боғлиқ. Турли белгилар ва белгилар тизими имкониятларини бир-бирига қиёслаш нафақат лингвесемиотика,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 28 декабрь.

балки ҳақиқий коммуникацион каналлар ва воситаларни излаб топиш, улар орасидаги турли таъсирлардан сақлаш методикасини татбиқ этишга қаратилган бўлади. Жумладан, ахборот узатишнинг оптимал йўллари белгилашда зарарли таъсирлардан ҳимоялаш воситаларининг мукамал комплексини яратиш кабилар ҳозирги лингвосомиологик таъминотнинг мукамаллигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ҳамда инновацион ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси масалаларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Москва давлат университети, Россия давлат педагогика университети (Россия), илмий тадқиқот институтлари (ИПИ, ИППИ, ВЦ МГУ) ва Россия Фанлар академияси Тилшунослик институтида, йирик IT-компанияларда (АВВҮҮ, Яндекс). Addison-Wesley Publishing Company, The Oxford handbook of computational linguistics, Association for Computational Linguistics (Praga)

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.hu-berlin.de, www.ox.ac.uk, www.yale.edu, www.sas.ac.uk, www.leeds.ac.uk, www.agency-nationalrecherche.fr, www.cuni.cz, [university of california.edu](http://university-of-california.edu), www.msu.ru, www.pushkin.edu.ru, www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Cambridge University (Буюк Британия), Oxford University (Англия); Shanghai University (Хитой), The Humboldt University (Германия), Chicago University (АҚШ), Edinburgh University (Буюк Британия), Tsucuba University (Япония), Москва давлат лингвистика университети, Воронеж давлат университети (Россия), Киев давлат университети (Украина)да амалга оширилган.

Жаҳон тилшунослигида глобаллашув жараёнларига оид илмий лойиҳалар бажарилишида тил бирликларининг лингвосемиологик хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган бир қанча илмий натижаларга қуйидаги хулосалар олинган: татбиқий лингвистиканинг сунъий (дастурлаш) тиллар илмий ишланмалари юзасидан диахрон ва синхрон йўналишларда назарий асослари яратилган (Москва давлат университети, Россия); ахборот-тезаурусли илмий ишланмаларда универсал ўнлик кодлар асосидаги фикрлар мукаммалашган (Addison-Wesley Publishing Company (АҚШ); Stokholm University (Швеция); University Intrnational Studies (Хитой); Россия Фанлар академияси Тилшунослик институти; Воронеж давлат университети (Россия); мантиқий семантика соҳасида янги илмий йўналишлар, лингвосемиотика ва лисоний бирликларнинг онтологик хусусиятлари, семиологик тамойиллари, семиологик функциялари замонавий талаблар асосида қайта ишланган (Cambridge University (Буюк Британия); Киев давлат университети (Украина); Россия Фанлар академияси Тилшунослик институти; Oxford University (Буюк Британия); халқаро даражадаги информацион сунъий тиллар таснифланган (Chicago University (АҚШ); University of Berlin (Германия); University of Warsaw (Польша); электрон луғатлар яратишнинг оптимал вариантлари жорий этилган Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Фарғона давлат университети (Ўзбекистон).

Жаҳон тилшунослигида амалий ва компьютер лингвистикасининг халқаро даражадаги тамойилларига асосланган лингвосемиотиканинг антропоцентрик, прагматик, когнитив каби устувор йўналишларида илмий иш ва ишланмалар бажарилган. Жумладан, лингвосемиотика ва тилнинг белгили тизимидаги тавсифий хулосалари; барча тиллардаги расмий ҳужжатларнинг диахрон ва синхрон аспектлари; стандарт тилнинг сарҳадларини белгилаш; тезаурус типли ва идеографик луғатлар тузиш назарияси ва амалиёти масаласи; мантиқий семантика ва когнитив тилшуносликнинг асосий йўналишларини белгилаш; кўп тиллилик муҳитида лисоний мулоқот шаклларининг меъёрлашиш мезонларини очиб бериш; миллий тилларда ёзилган матнларни хорижий тилларга, хорижий тилларда ёзилган матнларни эса миллий тилларга машина ёрдамида автоматик таржима қилишнинг илғор вариантларини татбиқ этиш тамойиллари аниқланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Семиотика фанини ўрганишга қизиқиш гуманитар фанлар соҳасида жуда ҳам мунозарали кечган, айрим ҳолларда камчиликлар доирасидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илмий кузатишлар дунёнинг барча тилшуносликларида

мавжуд³. Муҳим семиологик соҳада тўлиқ тил белгилари – дискурсив, структураси ва ифодалаган мазмуни бўйича нафақат ифодалаган нутқ вазияти, балки «предмет фикрини билдирган» воқеа ва ҳодисалар тизимини камраб олади.

Семиотиканинг мантиқий-математик йўналиши шаклланиши Европа илмий манбаларида Ч.С. Пирс⁴ номи билан боғлиқ. Ч.С. Пирс белгининг икки томонлама муносабати тавсифида унинг уч типини тавсиф этди: а) иконик белгилар, булар – ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатида; б) индекс белгилар, булар – ифодаловчи ва ифодаланмишнинг ёндош муносабатида; в) белги-символлар, булар эса шартли асосда келишилган ифодаловчи ва ифодаланмишнинг муносабатида ҳосил бўлган белгилардир.

Ф. де Соссюр лисоний белгининг икки томонини кўрсатган. Лисоний белгининг эркин (произвольный) хусусияти асосидаги ифодаланишини парадигматик ва синтагматик муносабатлар асосида тавсифлайди⁵.

Тилнинг белгили назариясини Ч.Пирс издоши Ч.Моррис бихевиористик асосда таҳлил қилди. Ч.Моррис концепцияси бўйича тил мақсадга йўналтирилган интерпретация қилинади. Ч.Моррис лисоний белгиларнинг тизимли тушунчаларини кашф этди. Бунда унинг фикрича сигнификация усулига кўра лисоний белгилар тавсифловчи, хусусиятни баҳоловчи, буюрувчи ва белги-форматорларга бўлинади. Ч.Моррис назариясининг семиотика соҳасидаги катта ютуғи шундаки, у тилни синтактика, семантика ва прагматика йўналишларига бўлиб ўрганишнинг янги вариантларини тақдим этган⁶.

Лисоний белгининг икки томонлама тавсифи йўналишидаги тадқиқотчилари ва тарафдорлари Ю.С.Степанов⁷, В.А.Звегинцев, Ю.Н.Караулов,

³ Соссюр Ф. де Курс общей лингвистики. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977.– С.31-269.

⁴ Пирс Ч.С. Логическое основания теории знаков. – СПб.,2000. – С.21-43.

⁵ Соссюр Ф. де. Кўрсатилган манба. 79-111б.

⁶ Моррис Ч.У. Основания теории знаков. Семиотика.– М.: Радуга. 1983.– С.37-89.

⁷ Степанов Ю.С. Семиотика. – М.: Мысль. 2001. – 636 с.; Звегинцев В.А. Проблемы знаковости языка. – М.: Изд-во АН СССР, 1956. – С.29-34; Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография (Опыт теории лингвистических словарей тезаурусов): Автореф.дисс.д-ра.филол.наук. – М.: 1975. – 48 с.; Ветров А.А. Семиотика и ее основные проблемы.– М.: Наука,1968.– 264 с.; Барт Р. Империя знаков. – М.: Прогресс, 2004.– 142 с.;Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988. – 119 с.;Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. Т.: Фан. 1988. 119 с.;Жоль. Логика в лицах и символах. – М.: Радуга, 2006. – 318 с.; Ельмслев Л. Прологомены к теории языка. Новые в лингвистике. – М.: 1960. Вып. 1. – С.89-97. Изд-е 2. – М.: КомКнига, УРСС, 2006; Ильина В.А. Семиотика как метод исследования виртуальной реальности //Вестник Адыгейского государственного университета. – Майкоп. – 2008.– №10.– С.79-84; Карцевский С.О. Об асимметрическом дуализме лингвистического знака //История языкознания XIX-XX вв. в очерках и извлечениях. – М.: Наука, 1965. Ч.11.– С.79-116;Кассирер Э. Философия символических форм. – М.: Наука, 2004.– 399 с.; Кубрякова Е.С. Типы языковых значений //Семантика производного слова. – М.:Наука, 1981. – 267 с.; Мартынов В.В. Семиологические основы информатики. – Минск: Университет,1974. – 192 с.; МахлинаС.Т. Словарь по семиотике культуры. – Сбп.:Искусства, 2009.– 751 с.; Мечковская Н.Б. Семиотика. Язык. Природа. Культура. – М.: Академия, 2007. – 432 с.; Никитин М.В. Знак – значение – язык: учебное пособие. – СПб.: Изд-во РГПУ, 2001. – 226 с.; Никитина С.Е. Тезаурус по теоретической и прикладной лингвистике. – М.: Наука, 1978. – 312 с.; Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.:Высшая школа,1982. – 271 с.; Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси //Танланганасрлар. 1-жилд.– Тошкент: Akademnashr, 2010.– Б. 86-108; Общее языкознание. Формы существования, функции, история языка. – М.: Наука, 1970. – 602 с.; Пиотровский Р.Г., Бектаев К.Б., Пиотровская А.А. Математическая лингвистика. – М.: Высшая школа, 1977. – 383 с.; Пирс Ч.С. Логические основания теории знаков теории знаков //Семиотика. – СПб: АЛЕТЕЙЛ, 2000. 168 с.; Резников Л.О. Гносеологические вопросы семиотики. – Л.: Наука, 1964. – 247 с.; Солнцев В.М. Язык

В.В.Мартинов, А.С.Мельничук, Б.Н.Головин, В.Г.Гак, Н.В.Слюсарева, Н.Д.Арутюнова, Т.В.Шмелева (Булигина), А.А.Уфимцева кабилардир. Лисоний белгининг бир томонлама хусусияти тарафдорлари эса В.М.Солнцев, В.З.Панфилов, А.А.Ветров, П.В.Чеснаков, Л.П.Ломтев, А.Нурмонов, М.Ҳакимов, Р.Расулов ва бошқалардир. Шундай қилиб, номинатив бирликларнинг семиологик тавсифини беришдаги ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар диссертация мавзусини белгилашга асос бўлган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Навоий давлат кончилиқ институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг Семиотика йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади номинатив бирликларнинг фалсафий, мантиқий ва тил назарияси жиҳатидан ўрганилиш ҳолатини аниқлаш ҳамда тил назариясининг татбиқий лексикография билан муносабатлари концепциясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тил ва реаллик концепцияси асосида номинатив бирликларнинг онтологик хусусиятларини аниқлаш;

тил назарияси фанининг асосий соҳалари бўлган структурализм, феноменология, герменевтика кабиларнинг тадқиқ предметларини тавсиф этиш;

номинатив бирликларнинг тил белгилари семиологик тамойилларини амалга оширилиши концепциясини тадқиқот доирасида шакллантириш;

номинатив бирликларнинг семиологик тамойилларини эмпирик дастлабки ва рационал назарий жиҳатдан аниқлаш;

номинатив бирликларда логик семантика ва мазмун назарияси муаммоларини таҳлил қилиш;

номинатив бирликларнинг сигнификатив, денотатив, структуравий ва прагматик маъно компонентларини тавсифлаш;

номинатив бирликларда назарий тилшунослик ва фалсафадаги «тил ва реал олам» концепциясини тавсифлаш ҳамда тадқиқ қилиш;

тезаурусли идегорафик (семантик) луғатлар тузиш учун назарий асоснома ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

номинатив бирликларнинг асосий семантик разрядларини, даражаланишини, фарқланишини ономасиологик планда аниқлаш ва уларни тавсифлаш;

как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1977. – 354 с.; Степанов Ю.С. – Семиотика. – М.: Мысль. 2001. – 636 с.; Степанов Ю.С. Номинация, семантика, семиология. //Языковая номинация. Общие вопросы. – М.:Наука,1977. – 365 с.; Тондл Л. Проблемы семантики. – М.: Прогресс, 1975. – 484 с.; Уфимцева А.А. Понятие языкового знака //Общее языкознание. Формы существования, функции, история языка. – М.: Наука, 1970. –С.96-140.; Фреге Г. Смысл и денотат // Семиотика и информатика. – М.: ВИНТИ, 1977.– №8. – С.35-63; Шейгал Е.И. Семиотика политического дискурса: Автореф..д-ра.филол.наук. – Волгоград, 2000. – 32 с.; Шермухаммедова Н.А.Семиотика.Ўқув дастури. – Тошкент: ЎЗМУ, 2012. – 11 б.; Большой энциклопедический словарь.Языкознание.2-е изд. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998.– 685 с.;Morris Ch. Signification and significance.Mass.; Ogden C.K. and Richards I.A.The meaning of meaning. – New York, 1926. – 231 p.; Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол.фан.д-ри.дисс.автореф. – Тошкент, 2001. 43 б.

диссертация мазмунидаги тузиладиган излаш тизимли ўзбек тилида дастлабки тезаурусли идеографик луғатларлар лойиҳасини тўлиқ ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида номинатив бирликлар ҳамда уларнинг белгили хусусиятлари боғлиқлиги асосидаги онтологик, семиологик ва лексикографик тавсифлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети тил, моддий олам ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигидаги номинатив бирликларни тавсифлашдаги инсон омили масаласи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда умумилмий методлар, систем ва тарихий методлар (синхроник ва диахроник), формал логика усуллари, лингвосемиологик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳозирги ўзбек адабий тилида номинатив бирликларнинг онтологик, руҳият, маънавий борлик, мавжудлик ва йўқлик тўғрисидаги хусусиятлари тил реаллиги, этнолисоний нисбийлик, антропоцентрик, антроморфик ва инсон омили каби тамойиллар асосида аниқланган;

номинатив бирликларнинг концептуал, тушунчавий, семиологик, когнитив, категориал, маъновий, мазмуний, тавсифий имкониятлари ҳамда уларда маъноларнинг экстроллингвистик омиллар асосида ривожлантирилиш турлари асосланган;

номинатив бирликларда семиологик белги тамойилларининг вариантлари, кўрсаткичлари, даражаланиши, туркумланиши, фарқланиши, функционал трансформацияси, транспозицияси ҳамда уларнинг структурал таркибининг чегараланиш тавсифлари исботланган;

номинатив бирликларда умумсемиологик вазифавий тамойилларининг тузилиши, мазмуни, маъно компонентлари тараққиёти, йўналишлари, маъноларнинг торайиши, кенгайиши ҳамда уларнинг таркибий тузилиши далилланган;

номинатив бирликларда мазмуний йўналишдаги идеографик ва дастлабки излаш тизимли тезаурусли луғатлар тузишнинг вариантлилиқ, инвариантлилиқ турлари ҳамда уларнинг алифболи луғатлардан фарқи майдон назарияси мезонлари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилшунослигида номинатив бирликларнинг семиологик ва лексикографик тавсифи муаммоси, дунёнинг лисоний ва концептуал қиёфаларида онтологик хусусиятлар комплекс тадқиқ этилган;

номинатив бирликларнинг ономасиологик хусусиятлари асосида идеографик туркумланиш масаласи бўйича ўзбек тилшунослигида илк бор тезаурусли луғатлар тузиш амалга оширилган;

табiiй ва сунъий тиллар материаллари асосида тил белгиларининг семиологик хусусиятлари тавсифланган ҳамда улардан тезаурусли излаш тизимли замонавий луғатлар яратиш, информаион тилларнинг аниқ тавсифини беришда фойдаланилган;

семиологик талаблар асосида лингвистик муаммолар илмий изланишининг мукаммал методикаси ишлаб чиқилган, натижада лингвосомиологик илмий йўналишларнинг мукаммал комплекси яратилган; номинатив бирликларнинг ономазиологик хусусиятларини белгиловчи концепциялар ишлаб чиқилган ва тезаурус луғатлар тузиш юзасидан тавсия ҳамда кўрсатмалар белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги номинатив бирликларнинг семиологик ва лексикографик тавсифи асосида олинган илмий натижаларнинг тилшуносликдаги илғор қарашларга мослиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, хулосаларнинг замонавий лингвистик таҳлил методлари орқали асосланганлиги, назарий қараш ва концепцияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, мавзунинг жаҳон тилшунослигининг энг сўнгги илмий ютуқлари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, номинатив бирликларнинг дейктик бирликлар ва шифтерларга муносабати ишлаб чиқилган, номинатив бирликларнинг семиологик ва лексикографик тавсифининг назарий асослари келтирилган. Номинатив бирликларнинг семантик ва когнитив майдон назарияларининг қиёсий таҳлилий хулосалари асосида олинган маъно ва мазмун концепциясининг янги тамойиллари ишлаб чиқилди. Улардан фойдаланиш асосида татбиқ этиш кўлами кенгайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Номинатив бирликларнинг онтологик хусусияти», «Номинатив бирликларнинг семиологик тамойиллари», «Номинатив бирликларнинг семиологик вазифаси», «Номинатив бирликларнинг семантик разрядлари ишланмаси»дан назарий тилшунослик, компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси, фалсафа, мантиқ каби соҳаларда назарий манба сифатида яратилган идеографик ва тезаурус луғатлар лойиҳалари ҳамда ишланмаларидан бошқа фанлараро тезаурусли автомат луғатлар тузишда фойдаланиш мумкинлиги асосланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Номинатив бирликларнинг семиологик ва лексикографик тавсифи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

тил ва реаллик концепцияси, тил бирликларининг динамик ва ижодийлик табиати бўйича олинган илмий-назарий хулосалардан ва амалий тавсиялардан Навоий давлат педагогика институтида бажарилган (2003-2005 йиллар) ДИТД-5.П-31-рақамли «Тил бирликларининг семиологик тавсифи» амалий тадқиқотлар лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 3 ноябрдаги ФТК 0313/745- сон маълумотномаси). Натижада «Лингвистик семантика», «Функционал семантика», «Қиёсий семантика ва тилларни ўрганиш»,

«Ахборот излаш тизими ва маданиятлараро коммуникация» каби лисоний фанлар соҳаларида илмий манба бўлиб хизмат қилган;

номинатив бирликларнинг ривоятлар матнларидаги умумсемиологик ва когнитив хусусиятларига эга бўлган, агиографик, агиологик, терминлари Навоий вилояти ҳудудида жойлашган қадамжолардаги *ота* компонентли агиографик топонимларда: Қанорбой ота, Шаймардан ота, Авлиё ота кабиларнинг маъноларини изоҳланишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фондининг Навоий бўлимида бажарилаётган ИЖ-10-18-сонли «Навоий вилояти чўл ҳудудлари маҳаллий аҳолисининг қадамжолари тарихи» номли грантида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 12 августдаги 4/1255-2234-сон маълумотномаси). Натижада мазкур топонимик лексемаларининг агиографик ва агиологик тавсифи бўйича маълумотлар кенгайган;

тадқиқотдаги татбиқий лексикографик илмий хулосалардан назарий манба сифатида «Экология» русча-ўзбекча изоҳли луғат»ни (Тошкент «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти 2009) тузишда фойдаланилган («Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётининг 2018 йил 11 июндаги 01-268-сон маълумотномаси). Натижада экологик атамаларнинг маъносини тўғри англаш, экологик терминология тўғрисидаги лингвистик тасаввурларни кенгайтиришга хизмат қилган;

номинатив бирликларда мазмуний йўналишдаги идеографик луғатлар тузиш бўйича олинган хулосалар асосида «Идеографик луғат» яратилган. (Свид. рег. №76655/05-2012 ([http://window.edu.ru/window/librery:](http://window.edu.ru/window/librery))) Мазкур луғат артефактларнинг концептуал асослари семантик майдон назариси тамойилларига таянилган ҳолда амалга оширилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 25 сентябрдаги 89-03-2038-сон маълумотномаси). Натижада ономасиологик тақиқотлар олиб борилишида халқаро талабларга жавоб берадиган идеографик тамойиллардан фойдаланишнинг оптимал вариантлари жорий этилган ва фойдаланиш имконияти кенгайган;

сўзларнинг идеографик жойлашуви замонавий лексикографиянинг кейинги ютуқларига таянилган ҳолда «Тилшунослик бўйича ахборот-қидирув тезауруси» типли луғати яратилган (Свид. рег. №76653/05-2012 (<http://window.edu.ru/window/librery>)) (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 майдаги 89-03-2073-сон маълумотномаси). Натижада луғат асосидаги лингвистик терминология бўйича олинган назарий ва амалий тавсиялардан халқаро даражадаги мутахассислар фойдаланиш имкониятига эга бўлди;

номинатив бирликларнинг семиологик тавсифи юзасидан олинган илмий натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги «Navoiu» телеканалининг «Тил – миллат кўзгуси», «Давлат тили ва таълим тараққиёти», «Давлат тили тараққиётида термин, терминология ва номенклатура» каби кўрсатувлар сценарийсини тайерлашда фойдаланилган

(Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги «Navoiy» телеканалнинг 2019 йил 17 июндаги 1872-сон маълумотномаси). Натижада мазкур телекурсувларнинг илмий-оммабоплиги тўлиқ таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 20 та халқаро ва 12 та республика конференцияларида муҳокама этилиб, манбаларнинг назарий ва амалий тавсиялари маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 72 та илмий иш чоп этилган: шулардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, шу жумладан, 11 таси республика ҳамда 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар билан 270 саҳифани ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, диссертация иши натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Номинатив бирликларнинг онтологик хусусияти»** деб номланган биринчи бобида семиотика фанининг аниқланиши ва тавсифланиши, унинг лингвистика билан муносабатлари баён этилган. Семиотикага республикамиздаги нашрларда фақат XX асрнинг 70 – йилларида уч томли «Общее языкознание» асарида кам даражада бўлса-да, эътибор қаратилган эди. Тил бирликларининг белгили табиатини аниқлашдаги чалкашликлар номинатив, дейктик ва предикатив бирликларга бўлинмаганлигидир. Диссертациянинг семиологик ориентацияси – конвенционал семиотик терминологиядан (белги, код, семиозис ва б.) фойданиш хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган⁸. Семиотикани лингвистика билан боғлиқликда ўрганиш, лингвистиканинг полифункционаллик хусусиятини жорийлаштиради⁹.

⁸Бенвенист Э. О природе языкового знака.– М.: Прогресс, 1974. – С.459-464;Абрамян Л.А. К вопросу о языковом знаке // Вопросы общего языкознания. – М.: Наука, 1964. – С.67-71; Аветян Э.Г. Природа языкового знака. – Ереван: Университет, 1968. – С.91-96;Его же.. Семантика и лингвистика. – М.: Наука, 1974;Бюлер К. Теория языка (Извлечения). – М.: Прогресс, 1993. – С.22-27.

⁹ Пирс Ч.С. Кўрсатилган асар.

Номинатив бирликларнинг онтологик хусусиятини аниқлаш қуйидаги уч йўналишда тадқиқ этилди:

1.»Тил ва воқелик» концепцияси асосида финитивлик ва инфинитивлик концепцияси ва тамойилларини тавсифлаш зарурати туғилади. Финит ва инфинит шакллар «тил ва нутқ» концепциясига мос келса ҳам, номинатив бирликларнинг сигнификатив хусусиятини очиш учун хизмат қилади.

2. Номинатив бирликларнинг онтологик хусусиятини очиб беришда Б.Л.Уорф ва Э.Сепир гипотезаси асосидаги этнолисоний концепцияларга мувофиқ тавсифлаш мақбуллиги белгиланган.¹⁰

3. Номинатив бирликларнинг учинчи онтологик йўналишини белгилашда лисоний белгиларнинг репрезентатив, объектив, субъектив, антропоцентрик ҳамда номинатив бирликларнинг динамик ва фаолиятли хусусиятлари тавсиф этилди¹¹.

Воқеликни нафақат фалсафий-мантиқий категория, балки макон ва замон концепцияси бўйича лисоний категория деб ҳам тан олинishi зарурлиги иллюстратив мисоллар асосида исботланди.

«Шундай ўтиришларнинг бирида ҳаво айниб қолди: қоп-қора, хунук увада булутлар тепамизни бир зумда қоплаб олди-да, тухумдек-тухумдек дўл ёга бошлади». (Шукур Холмирзаев)

Мазкур парчада ажратиб кўрсатилган номинатив бирликлар финит ва инфинит хусусиятларга эга. Бу жумлада ҳар иккала ажратилган бирлик финит формада, «айниб қолмоқ» ва «ёга бошламоқ» эса инфинит формада.

«Айтмоқчи, уйга борганда келинимни Наврўз билан табрикланг. (Шукур Холмирзаев)

«Наврўз» сўзи – архаик концепт. Лекин ҳозирги пайтда бу фаол ишлатиладиган актив лексик бирлик сифатида намоён бўлади. Концептлар О.А.Алимурадов, М.В.Никитин, Е.С.Кубрякова В.А.Маслова, З.Д.Попова, И.А.Стернин, Ш.Сафаров ва бошқаларнинг ишларида мукамал тавсиф этилган¹². Шунга қарамасдан концептлар тавсифида тўлиқ илмий ечимига эга натижалар мукамал даражада қўлга киритилмади.

Баъзи даврларда кураш бошланишидан олдин «Қулоқчўзма» ўйинига асосан ўсмирлар таклиф этилади. Ва тегшили гап-сўзлардан кейин ўртасидан тугилган рўмолча қўрга отворилади. Масалан, бир жуфт калиш!» ёки «Ўн сўм пули бо-ор!» дейилади. (Шукур Холмирзаев)

«Қулоқчўзма» – ўзбек болалар ўйинларининг қадимий анъанавий турларидан бири.

¹⁰ Сепир Э. Язык. – М.: Прогресс, 1963.– С.238-254; Уорф Б.Л. Отношение норм поведения и мышления к языку. – М.: Прогресс, 1963.– С.255-281.

¹¹ Хомский Н. Язык и проблемы знания // Вестник Московского университета. Сер. 9. Филология. 1995. – №4. – С.131-151.

¹² Алимурадов О.А. Смысл. Концепт. Интенциональность.- Пятигорск: ПГПИ, 2003.87- 112 с.; Никитин М.В. Знак – значение – язык: учебное пособие. СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 2001. – 126-212 с.; Кубрякова Е.С. Краткий словарь когнитивных терминов. М.: МГУ. 1997. 145-205 с.; Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика.М.: АСТ: Восток-Запад, 2007.116-314 с.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах, Сангзор нашриёти. 2009. 34-112б.

«Икки машина ёнма-ён юрса сизадиган бу тошлоқ, ўйдим-чуқур кўча бир-икки бурилишдан кейин болалар тўп сурадиган, чиллак ўйнайдиган кенгиш майдонга етганда иккига бўлиниб кетади». (Шукур Холмирзаев)

«Чиллак» ва «қулоқчўзма» концепталари қадим миллий-тарихий маданият ёдгорликлари ҳисобланади. Бу каби концепт (тушунча)ларнинг лингвистик реконструкция тамойилларини изоҳли луғатларда ҳам изоҳлаш зарур. Семантик майдон назарияси билан когнитив майдон назарисининг ўзаро мутаносиблиги ҳамда уларнинг ўзаро таъсир доираси таҳлил этилган ¹³. Бунда унинг фалсафий томонлари таҳлили номинатив бирликларнинг субъектив табиати, бу тил бирликларининг объектив оламга алоқадорлиги хусусиятлари ҳам семантик ва когнитив майдонларнинг тамойилларини аниқлашда асосий восита бўлиб хизмат қилган. *«Айтмоқчи, уйга борганда келинимни Наврўз билан табрикланг».* (Шукур Холмирзаев). Ҳозирда кам бўлса-да, бу тарихий концепт нутқимизда реал тарихий воқеа ва ҳодисаларни тавсифлашда фойдаланилади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидаги тавсифларни берамиз:

– биринчидан, тил ҳақидаги тасаввур шакл ва структура феноменининг субстанцияга мос келмаслиги тил ғояси билан қарама-қарши концепцияларга келиши тил реаллигининг финит ва инфинит имкониятларини яратади. Бу эса тил ва реаллик концепцияси тизимида намоён бўлади;

– иккинчидан, тилнинг гермитик ва ёпиқ имкониятлари семантик элиминация ва нутқ фаолиятидаги бирлашиш хусусияти деонтологизация жараёнини вужудга келтиради. Бу эса тил бирликлари воқеланишидаги семиологик хусусиятларни тавсифлашни тақозо этади;

– учинчидан, синхрониядаги тилнинг динамик ва статик хусусиятлари тилнинг табиий ва ижтимоий муҳитлари ўртасидаги алоқалар тўлиқ ўрганилмаганлигидан келиб чиқади;

– тўртинчидан, юзага келадиган камчиликлар, асосан, тил фактларининг тил бирликлари воқеланишидаги ўта формаллаштирилганлигидан келиб чиққан деган хулосани беришимизга сабаб таҳлил этилаётган бирликларнинг онтологик хусусиятлари ҳозирда тўлиқ ўрганилмаганлигидадир.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Номинатив бирликларнинг семиологик тамойиллари ва вазифалари»** деб номланган. Ўзбек тилининг илмий-техник ҳамда бадиий тезаурусларини лойиҳалаш ва моделлаштириш масаласи номинатив бирликларнинг аниқ ва изчил семиологик тамойилларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Номинатив бирликларнинг семиологик тавсифида лисоний белгиларнинг семиологик тамойилларини ишлаб чиқишда Абу Наср Форобий, Ч.Пирс ва Ф.де Соссюр, Ч.Моррис, Л.Ельмслев, Н.Хомскийларнинг семиологик назарияларига асосланилди. Чунки улар

¹³ Маматов А.Э.Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? //Анижон.2012 212-220 б. Илмий анжуман материаллари.

ўзаро ҳамкорликда тадқиқот олиб бормаган бўлсалар ҳам, тадқиқ ва тавсиф жараёнида лисоний белги тамойилларини белгилаб олиш концепцияси мавжудлигини аниқлаганлар.

Мавжуд илмий-фалсафий манбаларда Абу Наср Форобийнинг семиотика фанидаги илмий мероси кам ўрганилган. Диссертацияда бу масала ҳам тадқиқот объектига киритилди. Абу Наср Форобийнинг «Илмларнинг келиб чиқиши» асарида семиологик тадқиқотлар доирасида синтактика, семантика ва прагматика атамалари қўлланилмаса-да, уларнинг моҳияти тўлиқ очиб берилган.

Ч.С. Пирс лисоний белгиларни уч типга ажратар экан, уларни қуйидагича таҳлил этади ҳамда бу назарияни трихотомия деб атайди. Бунга номинатив бирликларнинг семиологик тавсифи нуқтаи назаридан қўшилиб бўлмайди¹⁴.

Ч.Пирс трихотомиясининг асосий семиологик тамойиллари изчил ўрганилди. Натижада номинатив бирликларнинг бирламчи квалсигин иконлар ва рема; иккиламчи синсигин индекс дициент; учламчи лесигин символ аргумент каби тамойиллар асосидаги тадқиқот мазмунига сингдирилди¹⁵.

Бундай таҳлиллар давомида айнан Ч.Пирснинг ўзи тузган ушбу трихотомия асосидаги ишланмадан назарий асосланиш ҳамда амалий жиҳатдан диссертацияда фойдаланилди, чунки мазкур номинатив бирликларни татбиқий лингвистика билан ўзаро муносабатда тадқиқ этилиши кўзда тутилган эди.

I (Рематик иконик) квалсигин.

II (Рематик) иконик синсигин; рематик индексал синсигин; дициент (индексал) синсигин.

III (Рематик) иконик лесигин; рематик индексал лесигин; дициент индексал лесигин; рематик символ (лесигин); дециент символ (лесигин); аргумент (символик лесигин)¹⁶.

Демак, Ч.Пирснинг издоши Ч.Моррис ҳам бу концепция бўйича беш терминли функционал хусусиятни белгилайди. Бунда v, w, x, y, z беш элемент орқали семиотиканинг синтактика, семантика ва прагматика анъаналарини гавдалантирган¹⁷.

Структуралист Ф. де Соссюр таълимотида ҳам лисоний белгиларнинг уч томони эмас, балки икки томони – парадигматик ва синтагматик хусусиятлари ўрганилган. Ф. де Соссюрнинг бу икки тамойилини диахрония ва синхрония, тил ва нутқ дихатомияси сифатида талқин этилади. Бу ҳақда ўзбек тилшунослигида жуда ҳам кўп манбалар мавжуд (Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Неъматов, О.Бозоров, Р.Расулов, Ш.Сафаров кабилар), лекин номинатив бирликларнинг семиологик тавсифида семиологик тамойилларни парадигматика ва синтагматика планида ўрганиш

¹⁴ Пирс Ч.С. Кўрсатилган манба. – Б. 6-23.

¹⁵ Кўрсатилган манба. – Б. 19-21.

¹⁶ Кўрсатилган манба. – Б. 19-23.

¹⁷ Моррис Ч. Кўрсатилган манба. 34-98 б.

Л. Ельмслев таълимоти бўйича ифода ва мазмун плани асосида тавсиф этиш зарурати борлиги аниқланди ва тавсифланди¹⁸.

Э. Бенвенист¹⁹, Ю.С. Степанов²⁰ ва бошқаларнинг ишларида ҳам бу тамойил Ф.де Соссюр²¹ таълимотига зид эмас, назария эса бошқача талқинда амалга оширилган (произвольность, линейность).

Семиологик тамойилларни ишлаб чиқишда асимметрия ҳодисасига таянишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Чунки ўзбек тилининг бошқа тиллардагига қараганда асимметрик семиологик тамойилга мойиллиги бор²². Ўзбек тили мисолида муаллифнинг бир қатор ишлари ҳам эълон қилинган²³ бўлиб, мазкур масала диссертацияда илмий таҳлиллар асосида берилган. Демак, мазкур семиологик тамойил Ч.С.Пирс, Ф. де Соссюр ва Ч.Моррис тамойиллари ва концепцияларига тўлиқ мос келмаса-да, номинатив бирликларнинг семиологик тамойили сифатида тавсиф этилди.

Асимметрия лексик сатҳда қуйидагича тавсифланади. Лисоний белгилар асимметрияси семиологик аспектда ўзбек тили учун характерли бўлганларидан бири турдош отларнинг атоқли отларга ўтиши. атоқли отларнинг турдош отларга ўтиши кабидир. тош – Тош, Тошев; пўлат – Пўлат, Пўлатов; темир – Темир, Темиров; болта – Болта, Болтаев; теша – Теша, Тешавой, Тешаев; мис – Мисли, Мислиев; олтин – Олтин, Олтинов; тилла – Тилла, Тиллаев; кумуш – Кумуш кабилар.

Атоқли отларнинг турдош отларга ўтиши: Ампер (атоқли от) – ампер (физик термин); Вольт (атоқли от) – вольт (физик термин); Ватт (атоқли от) – ватт (физик термин) кабилар.

Айрим ҳолатларда сифатлар атоқли отга ўтади: *гўзал – Гўзал, барно – Барно, латиф – Латиф* каби²⁴.

¹⁸ Ельмслев Л. Прологомены к теории языка. //Новые в лингвистике – М.: 1960. Вып. 1. С.89-97 Изд.2. М.: КомКнига.УРСС, 2006. 312 с.

¹⁹ Бенвенист.Э. Словарь Индоевропейских терминов. – М.: Прогресс,1995. – С.456.; Его же. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974. – 446 с.; Его же. О природе языкового знака. – М.: Прогресс, – С.459-464.

²⁰ Степанов Ю.С. Семиотика. – М.: Мысль, 2001. – 663 с. Его же. Номинация, семантика, семиология. // Языковая номинация. Общие вопросы. – М.:Наука, 1977.– С.365; Тайсин Э.А. Философские вопросы семиотики. – Казань, 1987. – 189 с.;Уфимцева А.А. Понятие языкового знака // Общее языкознание. Формы существования, функции, истории языка. – М.: Наука, 1970. – С.96-140; Ее же.Лексическая номинация. – М.: Либерком, 2010. – 88 с.; Ее же. Типы словесных знаков. – М.: Либерком, 2011. – 208 с.; Резников Л.О. Гносеолигические вопросы семиотики. – Л.: Наука, 1964.

²¹ Соссюр Ф.де.Кўрсатилган асар. – С.425.

²² Якобсон Р. Несколько слов О Пирсе. – М.: Искусство, 1966. – С.162-169.; Махмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. Автореф дисс. док.филол.наук.Т.: 1984. 58 с.

²³ Равшанов М.Асимметрия лексического знака в семиотическом аспекте. Язык и словестность / Материалы научной конференции, посвященной 100-летию со дня рождения Е.Д. Поливанова. Часть 1. – Ташкент, 1990. – С.152-154. Его же. Об особенностях языковой вариативности / Сб. статей. Актуальные проблемы современной лингвистики. – М.: ФАГУ, 2012. – С.13-14; Его же. Асимметрия (обзор). Сб.статей. Лингвистика и межкультурная коммуникация. – М.: ФАГУ, 2012. – С.60-63; Некоторые аспекты классификации лингвистических дисциплин/ Материалы международной конференции. – СПб, 2012. – С.122-125; Языковая система /Сб.статей. Лингвистика и межкультурная коммуникация. – М.: ФАГУ, 2012. – С. 39-45.

²⁴ Равшанов М. Асимметрия. (обзор) //Сб.статей. Лингвистика и межкультурная коммуникация. Навои: НГГИ, 2008, С.59-60. ФАГУ Свид. №76823 М.: 2012

Номинатив бирликларнинг семиологик функцияси (вазифаси)ни тавсифлашда ўзбек тилшунослиги учун муҳим бўлган, сўзларнинг сигнификатив, структуравий, денотатив ва прагматик маъно компонентларини тавсифлашга асосий эътиборни қаратдик. Бу соҳада Ҳ.Неъматов, М.Умархўжаев, А.Ҳожиёв, М.Ҳақимов, М.Миртожиёв, С.Мўминов, Н.Улуқов, М.Мирзаев, Ш.Раҳматуллаев А.Собиров, М.Абдиев, М.Равшанов ва бошқаларнинг ишларида аниқ натижаларга эришилган.

Сигнификатив маъно компоненти. Сигнификатив лотинча сўз бўлиб, ифодаловчи, маъно, фикр каби компонентларни билдиради. Сигнификатив маъно компоненти, одатда, терминологик лексик бирликларда қўлланилиб, фақат абстракт маънони ифодалайди. Шу сабабдан ҳам мазкур маъно компонентида биз уларнинг денотат билан боғланиши йўқ даражда деб баҳолашимиз мумкин²⁵. Лекин Л.А. Новиковнинг фикрини давом эттирган ҳолда ифодаловчи ва ифодаланмиш орасидаги мутаносиблик ва номутаносиблик каби мантиқий жараёнларда сигнификатив маънонинг намоён бўлиши тўлиқ таъкидланади. Сигнификатив маъно компонентининг айрим аспекти М.Абдиев, А.Собиров ишларида таққ қилинган²⁶.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «шотир» сўзи қуйидагича изоҳланади:

ШОТИР (а) *тар.* (демак, бирдан луғатда этимологик ва стилистик пометалар берилган бу пометаларнинг кўрсатишича бу сўз фақат сигнификатив хусусиятга эга бўлади).

Сўзларнинг денотатив маъно компонентлари. Денотатив маънонинг моҳиятини белгилаш учун биз сигнификатив ва денотатив маъноларнинг фарқини кўриб чиқамиз. Н.Г.Комлев тадқиқотларида денотатив маъно компонентлари қуйидагича ифодаланади²⁷: *Тилдан ташқаридаги воқелик объектлари.* Тилдан ташқаридаги воқелик объектлари билан боғлиқ денотатлар ҳам уч катта гуруҳга бўлинади:

а) жисмга оид объектлар; б) феноменал объектлар; в) конструктив объектлар.

Тил ва предмет соҳаларининг алоқадорлигини белгилайдиган кўп сонли хусусиятлар мавжуд бўлиб, буларни марказлаштирувчи соҳа семантикадир.

Моддий объектлар – предметлар ва уларнинг кўпайтмалари, туркумлари ҳам бир-биридан фарқланади. Масалан, *киши, халқ, одамлар ва жонли олам.*

Индивидуал объектлар орасида – кишиларнинг исмлари ва фамилияларидир. Бу ҳам ташқи олам объектлари ва денотат ҳисобланади.

²⁵ Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: Высшая школа. 1982.- 271 с.

²⁶ Абдиев М.Б. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили. Филол.фан.док.исс.автореферати, 2004. 23-41 б.; Собиров А.Ш. Ўзбек тили лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш.докторлик диссертацияси. Т.: 123-279.

²⁷ Комлев Г.Н. Компоненты содержательной структуры слова. М.: Изд. МГУ. 1969. с.23-79

Феноменал денотатлар. Бу предмет оламининг хусусияти, ташқи ва ички хоссалари, уларнинг ҳаракат ва ҳолатларидир. Агар ташқи жисмий денотатлар нутқ жараёнида реаллашса, феноменал лексик қатлам ҳам денотатив маъно компонентига эга бўлади. *Конструктив объектлар.* Тилда шундай денотатлар билан боғланган лексемалар ҳам мавжуд бўладики, уларни ушлаб ёки кўриб бўлмайди. Масалан, *алвасти, жин, ажина, шайтон* ва шу кабилар²⁸.

Демак, сўзларнинг маъно хусусиятларини тадқиқ қилишда уларнинг денотатив маъно компонентларини ўрганиш илмий долзарб масала.

Сўзларнинг парадигматик ва синтагматик маъно компонентлари. Биз белги ва хусусият ифодаловчи сўзларни бир семантик, макро майдонга бирлаштириб биринчи ярусда битта макросемантик; майдон ташкил этиб, унинг архисемасини топдик. Шунингдек, иккинчи ярусдаги «эмпирик» ва «рационал» макросемантик; майдонларнинг ҳам кичик микросемантик майдонларини лексик-семантик гуруҳлар куршовига боғладик. «Эмпирик» майдоннинг «кўриш маъноси орқали ифодаланган» сўзлар микро майдонидаги парадигматик қаторга қуйидаги турдаги «белги ва хусусият» ифодаловчи сўзлар киришини таснифладик:

а) ранг-тус билдирувчи сифатлар: *оқ, қора, қизил, яшил, кўк, ранг, мовий, бинафша, жигарранг, оч пушти ранг* ва бошқалар.

б) ҳажм-ўлчов нуқтаи назаридаги белги – хусусият ифодаловчи сўзлар: *катта, кичик, узун, қисқа* ва ҳоказо;

в) кўриниши ва ташқи шакли нуқтаи назаридан: *кўркам, баланд, паст, текислик, чуқурлик, қиялик* ва бошқа хусусиятлар каби²⁹.

Номинатив бирликларнинг синтагматик маъно компонентлари сўзларнинг бирикувчанлик хусусиятларига кўра маъноларнинг ўзгариш ҳолатлари тавсифланади. *Мен дарахтга чиқяпман. Мен хонадан чиқяпман.* Ҳар иккала гапда «чиқмоқ» феъли синтагматик муносабатда қатнашган. Мазкур феълнинг бу икки гапдаги ҳаракат йўналиши горизонталь ва вертикал ҳолатда. Шу сабабдан ҳам сўзларнинг парадигматик ва синтагматик маъно компонентларини ўрганиш аҳамиятлидир.

Сўзларнинг прагматик маъно компонентлари. Прагматика атамаси тилшуносликда юнонча иш, ҳаракат маъноларини беради. Америкалик тилшунос Ч. Морриснинг машҳур «Семиотика» номли асарида лисоний белгилар ҳақида таълимот берилиб, лисоний белгиларда уч асосий ва таркибий қисми борлиги эътироф этилади³⁰.

М.Ҳақимов тадқиқотларида прагматик маъно компонентини тавсифлашда алоҳида тадқиқот йўли танланган. Жумладан, тилдаги сўзларнинг коннотатив ва прагматик маънолари тавсифига қўшимча таг маъно концепцияси киритилган³¹.

²⁸ Комлев Г.Н. Кўрсатилган манба. 23-79 б.

²⁹ Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: Высшая школа.1982. – 271 с.

³⁰ Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: Высшая школа.1982. – 271 с.

³¹ Ҳақимов М.Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Т.: «Академнашр 2013, 23-67 б.

Ҳаётдаги, турмушдаги воқеа-ҳодисаларнинг, урф-одатларнинг ранг-тус билан боғлиқ томонлари жуда кўп. Бу нарса, албатта, тилда ҳам ўз аксини топади. Ибтидоий даврларда ҳам инсонлар рангларга эътиқод билан қараганлар. Масалан, оқ рангни олайлик. Одамлар бу рангни қадимдан муқаддас ҳисоблаб келганлар. *У халқлар эътиқодидида бахт, шодлик, поклик, яхшилик символига айланиб қолган.* Ўзбек халқида ҳам бунинг элементларини кўриш мумкин: Қизни унаштириш маросимида совчилар олдига *оқлик* кўядилар (кийимлик).

Иккиламчи номинация ва унинг асосий турлари. Тилда мавжуд номинация жараёнлари ҳамда бу жараён асосида вужудга келган номинатив бирликларнинг семиологик тавсифи республикамиз ва хорижлик етакчи - олимлар тавсифига таянилган ҳолда, уларнинг семиологик хусусиятлари аниқланди. Жумладан, барча табиий (этник) тилларда иккиламчи номинация жараёни мавжуд бўлиб, у тилда ўзининг номинатив хусусиятлари билан ахборот бериш ва олиш жараёнида фаол иштирок этади. Улар, асосан, дастлабки йўналишда фразеологизмларнинг тилдаги номинатив функцияларини аниқлашни тақозо этади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида *дала маликаси, тарвузи қўлтигидан тушиди, ўпкасини қўлтиқлаб, юраги дов бермайди* каби фразеологик бирликлар иккиламчи номинация жараёнида номинатив функцияни бажаради. Юқорида келтирилган мисолларда, яъни *дала маликаси* – маккажўхори концептини ифодалайди, ўзбек тилида мавжуд бу концептнинг *дала* ва *малика* каби концептларга мутлақо алоқаси йўқ. *Тарвузи қўлтигидан тушиди* – иборасида *тарвуз, қўлтиқ*, шунингдек ҳаракат концепти тушмоқ лексик бирлигига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. *У умиди пучга чиқиб, бўшаимоқ* маъносини беради ва натижада юқорида келтирилган ўзбек тилидаги концептларга маъно жиҳатдан ҳам мазмун жиҳатдан ҳам боғланмайди. Мутлақо бошқа номинатив функцияни бажаради. Масалан, *Ҳалиги хаёли чиппака чиққанини кўриб, холанинг тарвузи қўлтигидан тушиди.* (С.Анорбоев, Оксой). Демак, бу ерда *тарвузи қўлтигидан тушиди* ибораси орқали тўлиқ умиди пучга чиққанини кўриш мумкин. Ўзбек тилшунослигида тезаурусли лексикографик манбаларда иккиламчи номинатив бирликлар етарли даражада тадқиқ қилинмади. Албатта, бунинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Жумладан, кейинги йилларда лексикология, лексикография, фразеология ва фразеография соҳасида яратилган илмий манбаларда тезаурус типли луғатлар ёки лексикография ва фразеография соҳасидаги тадқиқотлар халқаро даражадаги инновацион ёндашувларга тўлиқ мос келади. Бу сингари тадқиқотлар профессор М.Э.Умархўжаевнинг ишларида ўз аксини топган³².

Диссертациянинг учинчи боби «**Номинатив бирликларнинг асосий семантик разрядларида дефиницион – лексикографик репрезентация**» деб номланган. Семантик разрядларни аниқлашда биз уч асосий лисоний даражаланиш йўналишини назарда тутдик. Номинатив бирликлардаги

³² Умархўжаев М.Э. Немис тили – лексикология, лексикография, фразеология ва фразеология. АнДУ. 2010 103 б.; Умархўжаев М.Э. Умумий тилшунослик. АнДУ.2010. 59 б.

тавсифловчи, индивидуаллашган (ономастик лексемалар) ҳамда квантативлик категорияси кабилар. Номинатив бирликлар тавсифида ономасиологик ёндашув асосан семасиологик ёндашувнинг акси. Шу сабабдан ҳам биз идеографик луғатлар тузиш лойиҳаларини тақдим этмоқдамиз. Мазкур соҳада ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, М.Умархўжаев, М.Миртожиев, Э.Бегматов, Н.Улуқов, М.Мирзаев, У.Турсунов, Р.Дониёров ва бошқаларнинг ишлари ва тадқиқотлари етарли асосга эга.

Номинатив бирликларда квантативлик категорияси. Номинатив бирликларда квантативлик категорияси ва уларнинг умумсемиологик хусусиятларини тадқиқ қилиш масаласи кейинги пайтда ижобий йўналишга бурилди. Илгариги ўзбек тилшунослигида дидактик грамматикада тил бирликларининг квантативлик категорияси ўрганилиши илмий мукамал эмаслиги сабабли, улар дидактик грамматика доирасида эмас, балки илмий грамматика ва бошқа назарий лингвистик фанлар доирасида ўрганилиши зарурли кўрсатилган. Алишер Навоий араб тили лесикаси ва грамматикаси материалларини эски ўзбек тилига *адаптация* қилишга илмий ёндошганлигини кўрамыз. Алишер Навоий асарлари тилини ўрганиш бўйича жуда катта илмий тадқиқот олиб борилган. Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари сарлавҳасида «*муҳокамат*» лексик бирлигига бирлашган «*луғатайн*» лексик бирлигининг луғавий маъноси ўзбек тилига маълум эмас. Кўп томли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам, Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да ҳам айнан «*луғатайн*» атамасининг мукамал изоҳи мавжуд эмас. Араб тилида барча ҳинд-европа тилларига хос сон категориясида «бирлик кўплик» эмас, балки «бирлик, иккилик ва кўплик» сон категориялари мавжудлиги рус тилидаги «Грамматика арабского языка» асарида ўз илмий ва лингвистик ечимини топган. «*Луғатайн*» атамаси араб тилида икки тил маъносини беради.

Жумладан, *Фикрати мизони бўлуб хамса санж,*

«Хамса» дема, балки дегил панж ганж. (Ҳайрат ул-аброр)

Бу жумлада «*фикрат*» атамаси «*фикр*» атамасига нисбатан оппозитив ҳолатда эмас, балки маъно хусусиятларида бу икки атама икки хил изоҳланади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 4-жилд 344– бетида «*фикрат*» атамасининг қуйидаги изоҳи берилган: «... *фикр, зоя, ўй-хаёл, тасаввур*) эск. Адиб фикрича, «*фикрат*» атамаси контекстда услуб жиҳатидан ҳам, грамматик талаблар жиҳатидан ҳам ижтимоий талаб жиҳатидан ҳам, ахлоқ-одоб жиҳатидан ҳам жуда ўринли ишлатилган. Демак, «*фикрат*» атамаси грамматик кўпликда ишлатилган.

Отики беш ҳарф қилур хитоб,

Минг бир эрур айласанг они ҳисоб.

Ушбу адад бирла оти гавҳари,

Ҳақнинг ўлуб минг бир оти мазҳари («Ҳайрат ул-аброр» достони 29-б.)³³.

³³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ҳайратул-аброр. 7-жилд. Т.: – 1991. «Фан» 47-б.

Бу ерда «*Низомий*» сўзининг тоза дурини назмга солгани, тизгани учун фалак унга «*Низомий*» (*назмга, тартибга мансуб*) деган тахаллусни беради. Арабча ёзганда Низомий сўзида беш ҳарф бўлиб, «Абжад» ҳисобида «нун» - 50, «та» ҳарфига руҳ файдан нишонадир!» деган фикрлар илгари сурилади. Бир нуқта қўйилиса «за» ҳарфини беради -900, «алиф» ҳарфи – 1, «мим» – 40, «ий» ҳарфи -10 миқдорларини беради. Натижада умумий йиғинди 1001 миқдорини беради. Алишер Навоий бу билан худонинг 1001 номига ишора қилган³⁴.

Туркий тилларнинг тарихий – идеографик лексикографияси ва уларда идеографик (семантик) туркумланиш. Туркий тил тарихида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ономасиологик ёндашувга асосланган идеографик луғатлар сирасига киради. «Девону луғотит турк» асари тадқиқига бағишланган бир қанча фундаментал тадқиқий ишлар амалга оширилган. С. Муталибов, Ғ.Абдурахмонов, Э.И.Фозилов, Ҳ.Неъматов, Ш.Шукуров, С.Мўминов, Н.Улуқов, Н.Абдулаҳатов, И.Тошпўлатов, У.Носирова, У.Жўрабоева ва бошқаларнинг тадқиқотларида батафсил тавсифланган. Мазкур тарихий лексикографик манбадаги иллюстратив материаллар асосида эски туркий адабий тил даврига оид ономастик лексик қатламнинг лексикографик тавсифи берилиши тезаурусли лексикографик луғат тузиш мумкинлигини исботлади. «Девону луғотит турк» асаридаги таҳлил объектларидан ташқари онимик семантиканинг тарихий гидронимлар семантикасига оид кузатишлар, асосан, Н.М. Улуқовнинг гидронимларнинг тадқиқига бағишланган илмий манбаларида етарлича тавсифланган³⁵.

«Девону луғотит турк» тарихий лексикографик манбасидаги ономастик атама ва терминларнинг тезаурусли идеографик ишланмаси қуйидаги семантик майдонлар таркибида тузилди³⁶:

1.Антропонимлар. *Аби (эркаклар исми); Абу Бакр (киши исми); Абулфатҳ (киши исми); Азақ (ўғуз бекларидан бирининг исми); Алп Ажа (киши исми); Алп Артун (киши исми);* ва бошқалар.

2.Халқлар, қабила ва элатлар номи (этнонимлар). *Ава (ўғузлар авлодининг номи); Эжмур (ўғузлар авлодининг номи); Элка булақ (турк қавмининг номи); Бажат (ўғузлар қавмининг номи); Бажундур (ўғузлар қавмининг номи); Барсган (қавмлар номи)* ва бошқалар.

3.Шаҳар ва қишлоқ номлари (топонимлар). *Абул (қишлоқ номи); Азия (қишлоқ номи); Алуш (Қашғардаги қишлоқ номи); Алғуқ (Қашғардаги қишлоқ номи); Арғу (Боласагун яқинидаги шаҳар номи); Атлуқ (Тараз шаҳрининг номи); Афросиёб (шаҳар номи);* ва бошқалар.

³⁴ Қаранг: Абдусаматов Ҳ. Форс тили дарслиги. – Т.: 1977.-»Ўқитувчи» нашриёти. 315-319 б.; Жувономардиев А. Ҳарфлар рақамларга айланганда; Т.1966. 119 б.; Халидов Б.З. Учебник арабского языка. Т.: «Уқитувчи»,-1977.-с.303-317.

³⁵Улуғов Н.М.Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи.Т.: 2010.Филол.фанлари доктори дисс.автореферати.11-36 б.

³⁶ Кошғарий М. Девону луғотит турк. – Т.: 1963. Фан. 1-жилд. 498 б.; Кошғарий М. Девону луғотит турк. – Т.: 1963. Фан. 2-жилд. 428б; Кошғарий М. Девону луғотит турк. – Т.: 1963. Фан. 3-жилд. 469б.

4. **Дара, жой, мамлакат ва бошқа худудий, бўлинмалар, довон ва б. географик номлар.** *Ажам (мамлакат номи); Азгиш (жой номи); Ала жигач (жой номи); Алтунган (тоғ номи); Арабат (жой номи); Аруз (довон номи); Ашчан (жой номи); Ақсай (жой номи);* ва бошқалар.

5. **Денгиз, кўл, дарё ва дарёчалар номлари.** *Азгирик сув (дарё номи); Ай кўл (кўл номи); Абистун (денгиз номи); Эртиш (дарё номи); Этил (Этил дарёси номи); Жайхун (дарё номи); Йкки оқуз (дарё номи); Жла (дарё номи); Исиз кўл (кўл номи) Исмитарим (дарё номи); Жабақу (дарё номи); Жамар (дарё номи)* ва бошқалар.

Планеталар: *Бақир соқум (Марс планетаси); Оғлақ аж (эрта баҳор) Тэмур қазунгук (Темир қозик юлдузи); Улкар (Хулкар планетаси); Қарақуш (Юпитер)* ва б.

Этнотопонимларнинг идеографик (семантик) туркумланиш. Абулғозийнинг «Шажараи турк» асари³⁷ ва ундаги этнонимларнинг этнотопонимларга ўтиши масаласида ўзбек тилшунослигида мукамал даражада тадқиқотлар олиб борилган. Х.Дониёров, Э.Бегматов, Н.Улуқов, С.Қораев, Т.Нафасов, С.А. Атаниязов, М. Йўлдошев, К.Ш. Шониёзов, А.Ишаев, З.Дўсимов, М.Турдибеков, А.Ж. Атажонова ва бошқалар ишларида этнонимлар ва этнотопонимлар бевосита ёки билвосита тадқиқ этилган. Улардаги этнонимлар қуйидагича тавсифланади:

Қарлуқлар – Ўғузхон болалари авлодидан. Моварауннахр ва Хуросонда яшаган қавмлар. Қарлуқлар ҳам Ўзбекистон Республикасининг Фарғона водийси, Тошкент вилояти ва Сирдарё вилоятларида яшаган деб тахмин қилинади.

Қипчоқлар – Волга, Дон ва Ёйиқ (Ўрол) дарёлари бўйларида яшаган туркий қавмлар. Уларнинг барча шажараси ҳозирда Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида жуда кўп учрайди. Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Нуробод туманларида ҳам кўп учраши таниқли тилшунос олим Е.Д.Поливановнинг этнографик маълумотларида келтирилган. Бу манбалар Е.Д. Поливанов қатағонга учрагандан сўнг йўқотилган.

Қанғли – қанғли уруғи туркманлар билан бирга яшаган. Улар дастлаб Исикқўл атрофида яшаганлар. Урганч ҳукмдори Тикуш хон, қанғли уруғидан бир қизни хотинликка олади. Натижада у аёлдан бир ўғил кўради. Унинг исми Султон Муҳаммад бўлиб, Хоразм шоҳларидан. Хоразмшоҳ Ҳиндистонгача, бир томони Озарбайжон ва Арабистонгача бўлган худудларда ҳукмронлик қилган.

Қарлуқлар авлоди – асосан Мўғулистоннинг узоқ тоғли худудларида яшаганлар. Кейинчалик бошқа худудларга кўчиб ўтадилар. Улар сон жиҳатдан унчалик кўп бўлмаганлар. Улар ўша худудда 4000 йил яшаганлар ва кейинчалик бошқа худудларга кўчиб ўтганлар. Уларнинг авлодлари ҳозирги Ўзбекистон худудида кенг тарқалган.

Уйғурлар авлоди – маълумотларга кўра Мўғулистонда иккита катта тоғ мавжуд бўлган. Уларнинг бирини номи туқрату – Бузлук,

³⁷ Абулғозий.Шажараи турк. Тошкент. Чўлпон нашриёти 1992. 3-118 б.

иккинчисининг номи эса Ускунлик – тикрам. Бу икки тоғнинг ғарб томонида Кут тоғ номли тоғ мавжудлиги ҳақида асарда маълумот берилади. Бу тоғлар ўртасидан бир жойда ўнта, иккинчисида тўққизта дарё оқади. Уларнинг бирини ўн уйғур, иккинчисини тўққиз уйғур деб номлайдилар.

Қирғизлар авлоди – Ўғузхоннинг невараси Қирғиз деб номланган. Қирғиз этноними ўша номдан келиб чиққан. Мўғуллар ва бошқа қабилалар қирғизларнинг маълум бир қисмини ўзаро урушлар натижасида қириб юборган. Натижада бу қавм аҳолиси жуда камайиб кетган. Қирғизлар ҳозирги Қирғизистон худудига жойлашган. Қирғиз этноними «Шажараи турк» асаридаги маълумотларга кўра ҳозиргача сақланиб қолган.

Татарлар авлоди – бу этноним узок тарихдан ҳозиргача сақланиб қолган. Татарлар авлоди тарқалиш хусусиятига кўра собиқ Совет Иттифоқи худудининг энг катта қисмини эгаллаган. Жумладан, Европа ва Осиё қитъалари худудида ҳозир ҳам мазкур этноним аъзолари бор. Татар этноними асосида Татаристон топонимлари мавжуд. Татарлар дарёлар атрофида яшаб, асосан деҳқончилик, чорвачиликлар билан шуғулланишган.

Ойратлар авлоди – Чингизхон даврида бу авлод аъзолари бир-бирлари билан душман муносабатида бўлганлар. Ойратларнинг раҳбари ёки бошлиғини Кутика – бики деб атаганлар. Унинг икки ўғли бўлган. Уларнинг исми Иналжи ва Туранжи эди. Кутика – бики Чингизхонга қизини берганида сўнг улар орасидаги муносабат яхшиланган.

Найманлар авлоди – найманлар энг қадимги этнослардан ҳисобланади. Улар, асосан, чорвачилик билан шуғулланганлар. Найманларнинг бошлиғи (государь) Қарқиш, вафотидан сўнг унинг ўғли бошлиқ бўлади. Найманлар авлодининг катта қисми Самарқанд вилоятининг Пахтачи, Пастдарғом, Нуробод, Оқдарё туманларида жойлашган. Найман, Найманча номлари билан аталган этнотопонимлар мавжуд.

Керайитлар авлоди – керайит сўзининг маъноси «қора қўй» дегани. Керайитлар қавмидан бирининг етти ўғли бўлган. Самарқанд вилоятининг Нарпай ва Пахтачи туманларида тарихий – этнографик маълумотга эга «етти ўғил» номли этнотопонимлар мавжуд. Ҳозирда Самарқанд вилояти Иштихон туманининг Каттақанғли МФЙ худудида Керайит номли этнотопоним мавжуд.

Мўғуллар авлоди – мўғуллар авлоди ҳам туркий қавмлар каби жуда қадимий этник-тарихий асосга эга. «Шажараи турк» асарида этник хусусиятга эга қавмлар ҳақида маълумот берилган. Туркий қавмлар тарихий манбаларда мўғуллар авлодига алоқадор эмас, деган фикрлар билан мўғуллар авлоди асосида таркиб топган қавмлар ҳам асоссиз равишда туркий қавмларга қўшиб юборилмоқда. Бу эса илмий жиҳатдан нотўғри.

Қўнғиротлар авлоди – қўнғиротлар авлоди ҳақида ҳозиргача аниқ этнографик маълумотлар мавжуд эмас. Қўнғиротлар авлоди ҳақида фольклористик материалларда ҳам маълумотлар берилади. «Алпомиш» достони мотивлари бунга мисол бўла олади. Қўнғиротлар Ўзбекистон худудининг, асосан, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий вилоятида,

Қорақалпоғистон Республикасида яшайдилар. Уларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, хўжалик юритиши ҳақида маълумотлар мавжуд. «Шажараи турк» асарида эса қўнғиротлар тўлиқ туркий қавмлар таркибига киради деб таъкидланади.

Бодай – мўғул авлодига мансуб бўлган келтик шажараси таркибидаги этник бирлик ҳисобланади. Бодай этноними асосида «Шажараи турк» асаридаги этноним сингари бу этноним ҳам анча этнотопоним ҳосил қилиши илмий асосга эга. Бодай қишлоғи ҳозирда Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Халқобод МФЙ га қарашли ҳудудда мавжуд.

Уйшунлар – бу этник таркиб асосида ҳам этнотопонимлар мавжуд. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида «Уйшун» деб номланган қишлоқ мавжуд. Назаримизда «уйшун» этнотопоними «Шажараи турк» асарида таъкидланганидек, мўғуллар авлоди асосида шаклланган этнотопоним деб ҳисобласак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Жалойирлар – бу этник таркиб, этноним асосида ҳам кўпгина этнотопонимлар мавжуд. Навоий вилоятининг Кармана туманида, Кармана шаҳрига яқин жойда «Жалойир» қишлоғи бор. Бу жойда яшайдиган аҳолининг «жалойир» этнонимига генетик жиҳатдан боғлиқлиги йўқ даражада. Чунки Кармана ва атрофдаги ҳудудларда яшайдиган аҳолининг кўпчилиги эроний-форсий қавмларга алоқадорлиги кўриниб туради.

Бундан ташқари, Фарғона водийсида ҳам «Жалойир» номли этнотопонимнинг мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу этник қатламнинг этнотопонимга генетик жиҳатдан алоқаси бор – йўқлиги фан томонидан исботланмаган.

Демак, жой номларининг имлоси ва изоҳида этнотопонимларнинг шаклланиши, тарихи, генезиси ҳақида ҳозиргача мукамал бирорта илмий манба, луғат ва бошқа нашр ишларининг йўқлиги сабабли этнотопонимларнинг илмий илдизи ва генезисини тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Номинатив бирликларнинг тезаурусли–лексикографик ишланмаси»³⁸ деб номланган.** Татбиқий ва корпус лингвистикасида анъанавий йўналиш ҳукуматимиз тил сиёсатининг иштироки масаласи бўлиб, булар қуйидагиларни ўз ичига олиши тавсиф этилди: алифбо ва имло тамойилларининг автоматик дастурий таъминотларини ишлаб чиқиш;³⁹ давлат тилида иш юритиш ва расмий хабарларнинг автоматик ишланмасини яратиш;⁴⁰ давлат тилига бошқа қардош тилларнинг муносабати ҳолатларини аниқлаш (автоматик

³⁸ Толковый словарь по семиотике. – Навои: НГГИ, 2008. – 68 с. ФГАУ №76650/05-2012 М., 2012; Информационно-поисковой тезаурус по языкознанию. Навои: НГГИ, 2008. – 43 с. ФГАУ №76653/05-2012.– М., 2012.; шу муаллиф. Тезаурус по научно-техническому переводу. – Навои: НГПИ, 2008. – 26 с. ФГАУ №76654/05-2012.– М., 2012.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари». – Тошкент, 1995 йил.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунининг 7-, 9-, 10-, 15 моддалари.

ишланмаси); ⁴¹ миллий терминологияни унификация қилиш ва стандартлаштириш, автоматик ишланмаларини тайёрлаш; шаҳар, овул, қишлоқ, кўча ва бошқа географик объектларни номлаш ва қайта номлашнинг автоматик дастурий таъминотини яратишдан иборат. ⁴²

Булар, асосан, гуманитар фанлар соҳасида қуйидаги йўналишларда фаол ишлатилмоқда:

Биринчидан, кутубхона – библиографик ишларни автоматлаштириш ва моделлаштириш соҳасида (тезислар, мақолалар, илмий анжуманлар материаллари, хроникал белгилар тизимининг айрим ҳолатлари) ишга туширилган.

Иккинчидан, археология, тарих, этнография, антропология, манбашунослик, тилшунослик (математик, компьютер, татбиқий, статистик) соҳаларидаги тадқиқотларни автоматлаштириш тизимига жуда катта эҳтиёж сезилмоқда. Экспедицияларда, дала кузатувларида (тилшуносликда шевашунослик, топонимия ва бошқалар) кўпинча нашр ҳолида сақланмайди. Бундан ташқари, картотека тарзидаги қўлёзма манбалар, архив материаллари, музей фондларини автоматик тавсифлаш учун жуда катта эҳтиёж сезилмоқда ⁴³.

Тезауруслар ⁴⁴ элементлари структураси ўз хусусиятларига эга. (*concept Entry*) концепцияси (*term Entry*) терминологик тавсифига мос келади, шунингдек, (*characteristic*) характеристика (тавсиф), (*category*) категория, (*definition*) аниқланиш, (*link*) боғланишлар тизими, (*figure*) иллюстратив материалларга иқтибос ва (*comment*) комментарий ва лексик иловалар. Мазкур ишланма ва концепциялар Л.Л. Нелюбин, А.Н. Баранов, С.Никитина, Ю.Н.Марчук, О.П. Крюкова, Захаров, Хорошилов, Е.П.Сосина, А.Пулатов, С.Мухаммедов тадқиқотларида амалга оширилган.

Автоматик ишланмалар формуласидан диссертацияда тавсифланган тезаурус луғатлар лойиҳасини тузишда назарий асос сифатида фойдаланилди ⁴⁵.

«Дастлабки идеографик (семантик) луғат» лойиҳаси тузилган бўлиб, улар тўлиқ майдон назариясига асосланган маъновий гуруҳлардан ташкил топган. Кўрсатилган манбани тузишда Ўзбекистон Республикасининг сиёсий институтлар, давлат тузилиши ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаби асосидаги номинатив бирликлардан фойдаланилди ҳамда уларнинг ташкилий-функционал ҳолатига амалий ёндашилди ⁴⁶. Ўзбек тилида идеографик луғатлар тузиш назарияси ва амалий ишланмалари

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунининг 1-моддаси.; Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 8-моддаси.

⁴² Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунининг 22-моддаси ҳамда Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш ҳақидаги ва қатор ҳукумат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

⁴³ Нелюбин Л.Л. Компьютерная лингвистика и машинный перевод. – М.: Воен.издат, 2001. – 151 с.

⁴⁴ Никитина С.Е. Тезаурус по теоретической и прикладной лингвистике. – М.: Наука, 1978. – 312 с.

⁴⁵ Равшанов М. Толковый словарь по семиотике. – М., 2012.

⁴⁶ Марчук Ю.Н. Компьютерная лингвистика. М.: «Восток-Запад» 2007. 317 с; Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику. М.: Эдиторал. УРСС. 2001. 360 с.; Нелюбин Л.Л. Компьютерная лингвистика и машинный перевод. М.: 2001. «Вен.издат». 151 с.

А.Собиров, М.Абдиев, Ё. Ҳамроева, М.Равшанов ва бошқаларнинг ишларида тавсиф этилган⁴⁷.

Объект⁴⁸: объект, рефлексив, алоқа, мавжудлик, мавжуд эмаслик, мавҳумлик; алоқа, алоқа йўналишлари, бошланиши, охири; боғланганлик, ўзаро муносабат, ўхшатиши, қиёслаш; мос келмаслик: мос келмаслик, сизишмаслик, алоҳидалик, бўлинганлик кабилар.

Мантикий муносабат: логика (мантиқ), мазмун, абстракция, аниқлик, белги, ташиқ этиши; кўриб чиқиши, бошланиши ҳолати, аспект; шартлилик, сабаб, шартлилик, натижа, маҳсулот. импликация: вазият, эквивалентлилик, алмаштириши кабилар.

Шакл (Ифода): қурилиши, қуриши, структура, структура шакли; нусха, ҳолат.ифодалаши (нимани): ифодалаши (нимани) ташиқи кўриниши, аниқлик; математика: математика, математик ўзгартириши, математик ифода.

Тавсифнома: тавсифнома, хусусият, характер, аҳамият, сифат ўзгариши; бир хиллик: бир хиллик, аниқлик; фарқланиши, фарқланиши, ҳар хиллик кабилар.

Умумийлик: умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик; тур-жинс, тасниф кабилар.

Макон: макон, макондаги ҳолат; соҳа, ички, кирмоқ; масофа, қўшнилик; макондаги ҳаракат: макондаги ҳаракат, муаллақ ҳолат; маконда жойлашиши, поток (оқим)кабилар.

Моддалар: микродунё, эфир, электромагнетизм; атом: атом, атом ядроси, электрон қобиги, нурланиши кабилар.

Инкорпорация (Бирлашиш): инкорпорация, истеъмол талаби, кимгадир тааллуқли; ҳаёт: ҳаёт, ўлмоқ, фожеа; ҳаракат: ҳаракат, деталь, хулқ; ҳамкорликдаги ҳаракат кабилар

Информация (Ахборот): ахборот, тил, тушунча; ахборотни ташиқ этиши, имитация, символ (график); ҳақиқат, ёлгон; аниқлик, тўғрилиқ, ҳақиқат, айёр, фальсификация; ёлгон, айёрлик; ҳозир бўлмаслик, келмай қолмаслик; очиқлик кабилар.

Жонли табиат: биохимия, табиий органик бирикма, анатомия, тўқима; организм тараққиёти: организм тараққиёти, онтогенез, кўпайиши, жинсий кўпайиши; органик олам: органик олам ва бошқалар.

⁴⁷ Абдиев М.Б.Соҳавий лексиканинг систем таҳлили. Филол.фан.док.исс.автореферати, 2004. 23-41б.; Собиров А.Ш. Ўзбек тили лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш.окторлик диссертацияси. Т.: 123-279.; Абдиев М.Б.Соҳавий лексиканинг систем таҳлили. Т.: Халқ мероси, 2004. 23-41б.; Собиров А.Ш. Ўзбек тили лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш.Филол. фанл. доктори диссертацияси. Т.: 123-279.; Ҳамроева Ё.Н. Ўзбек тилининг иеографик луғатини тузиш тамойиллари(ҳаракат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида).Филол.фан. бўй. фалс. докт. (PhD)... дисс. – Т. ,2010. 34-141 б. Абдурахмонова Н. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти: Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. афтореф. – Тошкент, 2018. – 47 б.; Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. афтореф. – Қарши, фан. 2018. – 53 б.; Ўринбоева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: Филол. бўйича докт. (DSc) ... дисс. афтореф. – Самарқанд, 2019. – 74 б.

⁴⁸ Фалсафа комусий луғати. Тошкент «Шарқ» нашриёти. 117-470 б.

Ҳайвонот унёси: ҳайвонот оламини тизимлаштириш, ҳайвонлар тўқимаси, ҳайвонлар биохимияси; ҳайвонлар онтогенези; ҳайвонлар органи тизими ва бошқалар.

Инсон: инсон танаси, юз қисми, сочлар; инсон ҳаракати: инсон ҳаракати, поза, инсон танаси ҳолати; қўл-оёқлар, қўл, оёқ, юриш; инсон физиологияси, нафас олиш, репродуктив физиология; озиқ-овқат: озиқ-овқат (инсон учун) овқатлар турлари кабилар.

Психика (Рух): психика, инсон хотираси; онг, тасаввур, онгинг бузилиши; идрок: идрок, таасурот; диққат, пайқаш, пайқамаслик; диққатлилик, интрига; эмоция, руҳий ҳолат, таъсирланиш; ҳиссиёт белгиси, севги; ҳиссиёт билдирмоқ; кечинма кабилар.

Инсон ҳаёти: шахс, эркак, темперамент, қобилият; инсоннинг ички дунёси, маънавий чегараланганлик, тарбия; ижтимоий ҳолат, иккиланиш, шубҳаланиш; репутация; инсон вафоти, қотиллик, дафн этиши, маросимлар кабилар.

Силжиш (Жойидан қўзғалиш): силжиш, жойидан қўзғалиш, маршрут; инсоннинг келиши, етиб келиши, жўнаб кетиши кабилар.

Транспорт: транспорт, транспорт воситаларининг боғлами, юклар; транспорт йўли, транспорт маршрути; транспорт турлари, шоссе транспортлари, темир йўл транспорти, йўл, авиация; сув транспорти, елканли транспорт, кемасозлик ва бошқалар.

Фаолият: инсон ҳаракати, ҳаракат тарзи, яратиш; замонавийлик, огоҳлантириш; ҳаракат тўғрилиги, ҳаракат йўналишлари; хато, эҳтиёткорлик ва бошқалар.

Жамият: жамият, одамлар; инсоннинг яшаи тарзи, кўчиб ўтиш; жамият ҳаёти; ижтимоий муносабатлар; инсоният, миллат; тарих, қадимги тарих; раҳбарият: раҳбарият, ҳокимият, ҳокимият органи кабилар.

Муносабат: муносабат, муносабатнинг мавжуд эмаслиги, коммуникативлик; ўзаро муносабат, таниш бўлмоқ, яқин муносабат; ўзаро ҳаракат, хизмат кўрсатиш, оммавийлик, одамлар учрашуви; қарши кураш, конфликт; ишончсизлик; душманлик, мажбур этиш; қурол ва бошқалар.

Одил судлов: регламентнинг бузилиши, қонун бузилиши; айб, айблов, виждон; жазо, жазоламоқ кабилар.

Маданият: маданият; билим, фан, тадқиқот, билиш назарияси; ўқиш, ўрганиш, таълим; дин фалсафаси, диний маърифат; табиий тил, кўп тиллилик, оз тил; сўз, номланиш, лексика; ёзув, ёзув белгилари, матн кабилар.

Нутқ: фраза, сўз туркумлари, сўз ўзгариши, оғзаки нутқ, инсон товуши, сўз талаффузи; суҳбат, баён этиш шакли, баён этиш сифати, риторика, нутқий маданият; меҳнат: меҳнат, иш; адо этиш сифати, малака, квалификация кабилар.

Цивилизация: цивилизация; фойдаланиш тартиби; ифлослик, кабилар.

Техника: *ишлаб чиқариш, саноат; энергетика: энергетика, иссиқлик техникаси, ёқилғи; моддалар, минерал материаллар, кимёвий материаллар, металллар, моддалар ишлови; материаллар, плёнкали материаллар; жонли табиатдан фойдаланиш, деҳқончилик, ўсимлиқшунослик, чорвачилик кабилар.*

Технология: *ўлчов, ўлчаш, ўлчов бирликлари; технология, чизма, маҳсулот юзасига ишлов бериш; шаклни ўзгартириш, қуйиш, босим билан ишлов бериш, кесиш; деталларни бирлаштириш; техник қурилиш; омборхона, иншоот; қурилиш, тупроқ ишлари кабилар.*

Мазкур луғат лойиҳаси эса субстантив номинатив бирликларнинг идеографик (семантик) тавсифланишини ифода этувчи манба деб қаралса, мақсадга мувофиқ бўлади. Манбада субстантив номинатив бирликлардан ташқари тавсифловчи тил бирликларининг белги, хусусият, ҳолат ва бошқалар ҳақида маълумот берилади.

Лингвистика фани бўйича ахборот – излаш тизмили тезаурус тузишга талаблар ва луғатни амалга ошириш лойиҳаси

Ҳозирги пайтда табиқий лингвистика тараққиёти натижасида лингвистика фани бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган тезаурусли – излаш тизимли луғатлар яратилишига киришилди. Формал онтология талаблари бўйича Е.А.Лукашевич, И.Н.Добров, С.И.Хорошилов ва бошқаларнинг тадқиқотларида мавжуд⁴⁹. Излаш тизимли тезауруслар тузиш Х.Сайидкулов, Ҳ. Аризикуловларнинг ишларида⁵⁰ ўзбек тилшунослигида мавжуд эди. Формал онтология талаблари бўйича яратилган луғат-тезаурусларнинг бир қанча яратилиш омиллари мавжуд:

– биринчидан, мазкур тузилаётган изоҳли луғатнинг мақсади бир хил эмас. Чунки ўзбек тилшунослигида лингвистика соҳасидаги барча тезаурусга киритилган номинатив бирликлар белгиланган рубрикаторлар асосида амалга оширилиши тавсия этилмоқда;

– иккинчидан, мазкур рубрикаторлар фақат ўзбек тилшунослиги ҳамда чет мамлакатлар тилшуносликларининг назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган тавсия ва кўрсатмалари киритилган ҳолда рубрикалар белгиланган тартибда ахборот- излаш тизимли тезаурус мазмунига киритиш тавсия этилади;

– учинчидан, Россия Федерацияси томонидан тавсия этилаётган номинатив тил бирликларининг рубрикаторлари фақат битта фан нуқтаи назаридан эмас, балки йирик идеографик комплекслар асосида тузилган бўлиб, лингвистиканинг тор соҳадаги махсус рубрикаторлари умумий рубрикаторлар базасида берилган;

⁴⁹ Лукашевич Н.В., Добров Б.В. Тезаурус для автоматического концептуального индексирования как особый вид лингвистического ресурса// Труды международного семинара иалог 2001. – Аксакова-2001. – с.273-279.; Лукашевич и др. Тезаурус для автоматического рубрицирования и инексирования; разработка, структура// НТИ. Сер.2.-1996.№10.-с.22-30.; Мивани Р.Р. О разработке серии тезаурусов по социальным и гуманитарным наукам. –НТИ, сер.2.- М.: – 2004. № 7. – с.1-9.;

⁵⁰ Аризикулов Ҳ. Семантические проблемы в терминологических сситемах французского языка. АКД.-Л., 1980; Сайидкулов Х. Сиситема терминов предметной области «Устройство автомобиля» и особенности номинации технических понятий во французском языке .АКД. – Л., 1982.

– тўртинчидан, рубрикаторларга айрим халқаро талабларга жавоб берадиган махсус тезаурус луғат – мақолалар киритилган бўлиб, улар халқаро стандарт талаби бўйича махсус номер ва номенклатураларга эга;

– бешинчидан, формал – онтологик талаблар бўйича тузилган лингвистик рубрикаторлардаги тизимли (систем) муносабатлар мутлақо бузилган;

– олтинчидан, фонетика, фонология ва морфонология соҳасидаги тизимли ёндашувлар бўйича илмий манбалар яратилган бўлиб (профессор А.Абдуазизов), лекин бу соҳа ҳам айрим тилшунос олимларимизнинг тизимли ёндашувга эътиборсизлиги туфайли (профессор Ш. Раҳматуллаев), фонетика, фонология ва морфонология бўйича яратилган илмий манбаларга таянмасдан, номукамал маълумотлар берилган;

– еттинчидан, мазкур «ахборот – излаш тизимли тезаурус» хотираси мазмунига сингдирилиши мўлжалланган лингвистик атама (термин) ларнинг тизимли рубрикаторини ташкил этишда юқорида номлари тилга олинган ахборот – излаш тизимли тезаурусларга киритилган номинатив birlikлар фақат абстракт маъно ва мазмун дихатомиясига мансуб;

– саккизинчидан, системали кўрсаткич рубрикаторлари мазкур тезаурус типли излаш тизимли луғатнинг рубрикалари халқаро стандарт талабларига тўлиқ жавоб беради.

Формал – онтологик хусусиятларни мужассамлаштирадиган «ахборот-излаш тизимли мазкур лингвистик тезаурус»нинг айрим хусусиятлари халқаро талаблар асосидаги тадқиқот мазмунига таянилган ҳолда қуйидаги мазмунда ёритилади:

Биринчидан, рубрикаторлар ва тизимга бирлаштирилган рубрикаларнинг тизимли киритилиши эса Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан «ахборот – излаш тизимли лингвистик тезаурус» йўналишларини мақулланиши зарурий ҳолатдир.

Иккинчидан, формал онтологиянинг навбатдаги татбиқий тури – бу рубрикатор ва рубрикалардан ташқари, излаш тизимли тезауруслар мазмунидаги формал – онтологик ресурс сифатида қаралиши ҳамда бу ресурс маълумотлар базасидаги материаллар тизимли равишда мутахассислар томонидан тартибга келтирилиши зарур.

Учинчидан, юқоридаги рубрика ва рубрикаторлар муносабати, мутаносиблиги ва номутаносиблиги масаласи ҳам етарлича ҳал қилинганидан кейин «тезаурусли луғат»нинг «қисм-бутун» концепциясининг узвий давоми ва ривожлантирувчи ресурси бўлган «юқори-қуйи» тартибдаги автоматлаштирилган тизимнинг ишлаш оборотига киритилиши зарур.

Тўртинчидан, мазкур тезаурус типли луғатнинг моделлаштирилиши эса ахборот – излаш тизимли тезаурус базасида, рубрикаторлар маълумотлар база материаллари асосидаги ОАК ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Компонент» компьютер дастурининг лингвистик таъминотини тўлдириш имкониятига эга бўлади.

Бешинчидан, диссертацияда умумлаштирилган орфография, пунктуация ва стилистика каби лисоний мазмундаги фан йўналишларининг рубрикаторлари ҳам мазкур компьютер дастурга киритилса, текширилаётган антипилагият жараёнида лингвистик талаблар таҳлилга киритилган бўлар эди.

Системали кўрсаткичнинг тезаурусли тузилиши лойиҳаси қуйидагича тавсиф этилган⁵¹:

89. **Тилшунослик**; 89.01. Тил методологияси ва тилшунослик; 89.04/05.Тилшуносликнинг ҳозирги ҳолатидаги тарихи; 89.04.4.Персонализация; 05.2. Ўзбекистон Республикасида тилшунослик; 05.3. Чет мамлакатларда тилшунослик.

89.1. **Тил назарияси**; тил – лингвистиканинг ўрганиш объекти; тил мулоқот воситаси; тилнинг белгилари хусусияти; номинация муаммоси; тил ва жамият; тил ва тафаккур; тил фалсафаси; тил ва нутқ; тилнинг келиб чиқиши ва бошқалар.

89.1.3.6. **Структуравий ва математик метод**. Структуравий метод; дистрибутив метод; трансформацион метод; анализ ва синтез модели; математик метод моделлаштириш методи кабилар.

89.1.5.41. **Тил сатҳлари. Тил системадир**. Фонология; фонетика; акцентология, интонация; экспериментал фонетика; морфология; грамматика ва бошқалар.

89.1.5.51. **Стилистика**. Бадиий адабиёт тили; поэтиканинг лингвистик масалалари; публицистика тили; илмий адабиёт тили; оммавий ахборот воситалари тили ва бошқалар.

89.2.21. **Татбиқий графика**. Нутқ компрессияси; лингвистик ишларни автоматлаштириш; алфавит, яратилиши ва реформа; амалий транскрипция ва транслитерация; таржиманинг лингвистик масалалари.

89.05. 2. **Тилшунослик мактаблари ва йўналишлари**. Қозон лингвистика мактаби. Ленинград лингвистика мактаби; Москва лингвистика мактаби; Москва фонология мактаби; Ўзбекистонда тилшунослик; Россияда тилшунослик; Яфетик назария.

89.05.3. **Чет мамлакатларда тилшунослик**. Александрия грамматика мактаби; антиментализм; Ҳарвард психологик мактаби; Женева лингвистик мактаби; Лондон лингвистик мактаби; ментализм ва бошқалар.

89.1 **Тил назарияси**. 89.1.1.21. Тил – лингвистика объекти; ёзувсиз тил; тилнинг ички шакли; идеолект; ифода ва мазмун планлари; тилнинг ҳар хил кўриниши; тил; тилшунослик.

89.1.1.23. **Тил – мулоқот воситаси**. Апеллятив тил; сўроқ; ундов; диалог; тилнинг коммуникатив функцияси; нутқнинг горизонтал йўналиши; монолог; мурожаат ва бошқалар.

⁵¹ Языкознание. Большой энциклопедический словарь./Гл. ред. В.Н.Ярцева. 2-е изд. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998 – 685 с.

89.1.1.25. **Тилнинг белгили хусусияти. Номинация муаммоси.** Тилнинг белгили функцияси; номинация; ифодаланмиш, ифодаловчи; ономазиология; сигнификация.

89.1.1.27. **Тил ва жамият.** Умумий тил; гиперурбанизм; идеолект; тилнинг ижтимоий функцияси; экстралингвистик омиллар; тил ва маданият; тил ва жамият; лисоний онг.

89.1.1.28. **Тил ва тафаккур. Тил фалсафаси.** Тил фалсафаси; фалсафий грамматика; тил ва мантиқ; тил ва тафаккур.

89.1.1.29. **Тил ва нутқ.** Актуализация; нутқ фаолияти; тил ва нутқ.

89.1.1.41. **Тилнинг келиб чиқиши.** Товушга тақлид назарияси; тилнинг келиб чиқишида ундовлар назарияси.

89.1.1.43. **Синхрония ва диахрония.** Тил эволюцияси. аналогия; ахрония; грамматик аналогия; изоляция; лексик аналогия; панхрония; тил эволюцияси; синхрония ва диахрония.

89.1.1.61. **Метатил ва лингвистик терминология.** Металингвистика; метатил.

89.1.3. **Лингвистик тадқиқот методлари.** Ахрония; лингвистик тавсифлаш методи; методология; тадқиқот методлари; панхрония; дала лингвистикаси; сегментлаш; семантик дифференциал метод; семиотик метод.

89.1.3.2. **Қиёсий – тарихий метод.** Ларингал назария; нисбий хронология; қиёсий-тарихий грамматика; қиёсий-тарихий метод.

89.1.3.2.3. **Реконструкция.** Ички реконструкция; боботил; боботил реконструкцияси.

89.1.3.6.3. **Структуравий методлар.** Бинар принцип; грамматик қарамлик; грамматик келишиклар; матн грамматикаси; дескриптивизм; компонент таҳлил; оппозитив таҳлил; лойиҳалаш таҳлили; структуравий лингвистика; субституция; формал грамматика.

89.1.3.6.3.3. **Дистрибутив метод.** Дистрибутив метод; дистрибуция.

89.1.3.6.3.5. **Трансформацион метод.** Апликация; ички структура; юқори структура.

89.1.3.6.3.7. **Анализ ва синтез модели.** Матннинг автоматик таҳлили; автоматик морфологик таҳлил; автоматик семантик таҳлил; автоматик семантик синтез; «мазмун – матн» модели.

89.1.3.6.5. **Математик методлар.** Алгебраик методлар; гипотеза; категориал грамматика; математик лингвистика; математик логика; тўплам.

89.1.3.6.5.3. **Моделлаштириш методлари.** Моделлаштириш.

89.1.3.6.5.6. **Статистик методлар.** Лингвистик статистика, частоталилиги; частотали луғат.

89.1.3.6.5.13. **Тиллар классификацияси.**

Демак, идеографик – тезаурусли луғатлар тузишда асосий эътибор формал онтологиянинг асосий тамойилларига таянилади. Бунда асосий лисоний йўналишлар ономазиологик пландаги талабларга риоя этилиши шарт ва зарур.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Тадқиқотлар орқали номинатив бирликларнинг семиологик тавсифи юзасидан олинган илмий натижалар асосида қуйидаги хулосага келинди:

1. Тил ва реаллик концепцияси асосидаги номинатив бирликларнинг макон ва замон фалсафий категорияларининг финит ва инфинит тамойиллари аниқланди ҳамда уларнинг асосий параметрлари илмий-назарий жиҳатдан тавсифланди.

2. Сепир-Уорф гипотезаси бўйича этнолингвистик муносабатлар ҳамда лингвистик нисбийлик назариясининг номинатив бирликларнинг онтологик хусусияти тавсифидаги асосий кўрсаткичлари ва талаблари тўлиқ аниқланиб, илмий хулоса ва натижалар билан бойитилди.

3. Номинатив бирликларнинг онтологик тамойилларини тавсифлашда мазкур бирликларнинг фалсафий, мантиқий, лингвистик, умумсемиологик ва структуравий хусусиятлари тўлиқ таҳлил этилиб, уларнинг илмий натижалари тадқиқотда умумлаштирилди.

4. Номинатив бирликларнинг онтологик тамойиллари асосида уларнинг репрезентатив – билиш хусусиятлари тўлиқ исботланди. Номинатив бирликларнинг репрезентатив-билиш хусусиятларини аниқлашда мавжуд тил бирликларининг асосий тавсифловчи барча лисоний ва семиологик кўрсаткичлар умумлаштирилиб, уларнинг асосий натижалари аниқланди.

5. Номинатив бирликларнинг объектив ва субъектив онтологик тамойиллар асосидаги хусусияти таҳлилида барча лисоний ва умумсемиологик талабларнинг тадқиқот таҳлиллари ўтказилиб, олинган илмий хулосалар онтологик тамойилларнинг фалсафий хусусиятларига муқояса қилинган ҳолда ёритилди.

6. Номинатив бирликларнинг онтологик тамойиллари асосидаги антропоцентрик лисоний ва умумсемиологик хусусиятлари таҳлиллари орқали уларнинг аниқ мезон ва параметрлари аниқланди. Олинган натижалар орқали илмий тавсия ва хулосалар барча лисоний ва семиологик талаблар асосида умумлаштирилди.

7. Номинатив бирликларнинг онтологик тамойиллари асосида тилнинг динамик ва ижодий хусусиятлари белгиланиб, талаб ва хулосалар асосида умумлаштирилди. Бунда тил бирликларининг динамик ва ижодий тавсифи антропоцентрик хусусиятларга муқояса қилинган ҳолда тавсифланди. Бундан ташқари иккиламчи номинациянинг барча турлари аниқланди ва уларнинг илмий натижалари умумлаштирилди.

8. Таҳлил этилаётган масаланинг долзарблиги ва муҳимлиги семиотика фанининг фалсафада «бўладими ёки бўлмайдими» муаммоси эмас, балки лисоний белгиларнинг умумий методологик фанлардаги тавсифи билан чекланмасдан, унинг лингвистикадаги хусусий томонлари атрофлича тадқиқ этилди.

9. Тилнинг ҳаддан зиёд лингвистик нисбийлик назариясида фаоллашуви борлиқ (олам) ва онг муносабатининг боғланмаслигини тавсиф этмасдан, балки оламни билишда улар орасидаги тўсиқни бартараф этишга хизмат

қилиши тадқиқ этилди. Тил имманетизацияси аксарият ҳолатларда структуралистик оқимларда мавжудлиги ўрганилди. Замонавий лингвистикада тил мураккаб белгилар тизимидан иборат эканлиги эътироф этилди. Лисоний белги материал (моддий) жиҳатидан ижтимоий информация (ахборот)ни ташувчи асосий восита эканлиги тўлиқ ўз аксини топди.

10. Тилни белгилар тизими сифатида тавсиф этиш Ф. де Соссюрнинг «Умумий лингвистика курси» китобида ўз аксини топган. Ф. де Соссюрнинг мазкур китоби талаблари асосида белгининг икки асосий тамойилининг таҳлили аниқланди. Унинг актуал ва виртуал, парадигматика ва синтагматика, эркин ассоциация ва тизимли бирикиш каби тавсифлардаги ҳолати диссертацияда тўлиқ умумлаштирилди. Лисоний белгилар муаммоси ҳозирги лингвистиканинг муҳим вазифаси сифатида қолмоқда. Ч.Пирс трихотомияси, Ф. де Соссюр дихотомияси асосидаги тамойиллар талаби бўйича номинатив birlikларнинг семиологик тавсифи диссертацияда тўлиқ тадқиқ этилди.

11. Тил назариясининг татбиқий (прикладной), компьютер, математик ва корпус лингвистикалари билан муносабати ва мутаносиблиги масаласи диссертацияда амалга оширилди. Янги татбиқий вазифаларга тилшуносликда, замонавий тилшуносликда машина таржимаси, информация тиллар, терминология ва информация излаш тизимидаги роли, автоматик индексация, рефератлаштириш (ишлов бериш), ҳужжатларни аннотациялаш, тезаурусли луғатлар тузиш каби масалалар назарий ва амалий жиҳатдан ўз ечимини топди. Булардан ташқари, диссертацияда семиотика (сунъий) фанининг назарий ва амалий масалалари тўлиқ ҳал этилган. Ишлаб чиқилган тавсиялар асосида 13 номда тезаурусли луғатлар лойиҳаси тузилган.

12. Ҳозиргача ўзбек татбиқий тилшунослигида машина таржимаси тўлиқ амалга оширилмади. ЭҲМ ва компьютер технологияларини такомиллаштириш, бу йўналишдаги дастурий таъминот масалаларини аниқ критерийлар асосида йўналтириш ишлари ва лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Бу масалаларнинг амалий натижаси сифатида тадқиқотнинг кейинги босқичларида «машина ва инсон» ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича тавсиялар ниҳоясига етказилади.

13. Информация хизматлари информация тилларни, тезаурусли луғатларни, улардан фойдаланиш методикасини, матнларни автоматик ўгириш, ҳужжатларни индексациялаш, референтлаш, аннотациялашни талаб этмоқда. Шу сабабли ахборот – излаш тизимли тезаурусларнинг дастлабки варианты яратилди.

14. Бу йўналишлар оқимида татбиқий лингвистикадаги излаш тизими ва маълумотлар базасини яратиш лингвистик таъминот масалаларининг назарий асослари амалга оширилди. Луғатлар тузиш учун фактик материалларни машина йиғиб, лингвистик жиҳатдан тайёрлаб бермоқда. Республикамиз миқёсида мазкур тажрибаларни умумлаштириш мақсадида ишланмалар яратилди. Жумладан, корпус лингвистикаси талаби бўйича диссертация доирасида етарли маълумотлар базасини яратишга эришилди ҳамда уларнинг асосланиши расмий ҳужжатлар билан таъминланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № 27.06.2017 Fil.05.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

РАВШАНОВ МАХМУД

**СЕМИОЛОГИЧЕСКАЯ И ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКАЯ
ХАРАКТЕРИСТИКА НОМИНАТИВНЫХ ЕДИНИЦ**

10.00.11– Теория языка. Прикладная и компьютерная лингвистика.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ФЕРГАНА – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована за № В 2019.3. Fil 6 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский) размещен на веб-сайте (www.fdu.uz) и Информационно – образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Официальные оппоненты: **Умарходжаев Мухтар Эшонходжаевич**
доктор филологических наук, профессор

Улуков Носиржон Мамадалиевич
доктор филологических наук, профессор

Абдиев Муродкасим Болбекович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы имени А. Навои**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней за № DSc.27.06.2017 Fil.05.02 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 100151, г. Фергана, улица Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244-66-02, факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирован за №___). Адрес: 100151, г.Фергана, ул.Мураббийлар, 19, Тел.: (99873) 244-71-28

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2019 года
(Реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2019 года).

М.Х. Хакимов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

М. Зокиров

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.филол.н., доцент

С.Муминов

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. С течением времени в мировой лингвистике возрастает интерес к социально- культурной, познавательно-репрезентативной, когнитивно-прагматической сущности языка, его особенностям, преопределенным цивилизацией общества. Возникновение в лингвистике таких новых направлений, как прикладная лингвистика, компьютерная лингвистика, корпусная лингвистика, когнитивное языкознание, лингвокультурология, прагмалингвистика, усиливает этот интерес, так как на основе исследования новых наук появляется возможность находить совершенно иные критерии определения социальной ценности природы языка и его функций. Преусматривающее определение механизмов, обеспечивающих активизацию функций языка и его функционирования, является приоритетным в раскрытии перспективы науки о языке и прикладной лингвистики, корпусной лингвистики, математической лингвистики, теории смыслов и значений номинативных единиц, когнитивной лингвистики и лингвосомиологии в научных исследованиях последних лет.

В мировой лингвистике особое значение имеет обоснование статуса теоретических и практических аспектов теории языка, особенно номинативных аспектов языковых единиц и прикладной лингвистики как инструмента диалога в мировой лингвистике, раскрытие его лингвистического характера с точки зрения теории языка, прикладной лингвистики и семиологических и онтологических особенностей номинативных единиц языка, логической семантики, денотата и теории смысла, когнитивной лингвистики, лингвокультурологии и прагмалингвистики. Информация, собранная в этой области, играет важную роль в определении общественно-социальной и прикладной роли языка в жизни общества. В то же время требуется необходимость уточнения различных аспектов социального, общественно-когнитивного. Инамического, познавательно-репрезентативного, онтологического, семиологического и номинативного статуса языка.

В связи с обретением нашей страной независимости усилилось внимание к более глубокому изучению теоретических аспектов языковых явлений. Ярким примером этого являются исследования узбекских лингвистов, посвященные изучению фонетических, семантических, морфологических и синтаксических особенностей разносистемных языков. В Обращении Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева к Олий Мажлису подчеркивается, что «...для высших учебных заведений очень актуален вопрос о доведении научного потенциала преподавателей до высокого уровня, и улучшение работы по подготовке научных и научно-педагогических кадров¹». Такая мотивация ставит перед отечественными учеными – языковедами ответственную задачу по составлению словарей-тезаурусов.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халк сўзи. – Тошкент, 2018, 28 декабрь.

Достижения современной науки и научно-технические разработки современных исследований определяют необходимость в научно – исследовательских изысканиях в области теоретической лексикографии. С разработкой лингвистического обеспечения информационных систем разных типов на нынешнем этапе развития общества особую актуальность приобретает проблема унификации и стандартизации терминологии. В целом прикладные аспекты лингвистического обеспечения разнообразных сфер человеческой деятельности сводятся, прежде всего, к одной общей проблеме – обработке информации, функционирующей в обществе. Названные проблемы включают в себя ряд новых направлений прикладной лингвистики, связанных с автоматической обработкой текста (речи), с широким использованием ЭВМ. В первую очередь это лингвистическое обеспечение информационных систем разных типов; машинный перевод; компьютеризация обучения; разработка систем использования информации и понимающих естественный язык². Сравнивая возможности разных знаков и знаковых систем, проникая в сознание, семиотика помогает находить не только действенные каналы и средства коммуникации, но и методы информационной защиты от нежелательных воздействий. Незавершенность теоретических и практических положений соотношений теории языка с прикладной лингвистикой, а также отсутствие научно-теоретических рекомендаций по составлению информационно-поисковых тезаурусов и автоматических словарей на материале современного узбекского языка убеждают в актуальности исследований в области соотношений теории языка с прикладной лингвистикой³.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, вытекающих из Указов Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-4958 «О дальнейшем совершенствовании послевузовского образования» от 16 февраля 2017 года, Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан №ПКМ-304 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы послевузовского образования» от 22 мая 2017 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан 1. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном развитии информатизированного общества и демократического государства и пути их реализации».

² Герд А.С. Прикладное языкознание: Учебник. – СПб.: 1996. – С.12-14

³ Ильина В.А. Семиотика как метод исследования виртуальной реальности//Вестник Адыгейского университета. – Майкоп: 2008. – №10. – С.13-19

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴.

Научные исследования по разработке теории и номинации языка, прикладной и компьютерной лингвистике осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе: Cambridge University, Oxford University (Великобритания); University of Berlin (Германия); University of Warsaw (Польша); Aoyama Gakuin University (Япония); Московском государственном университете, Институте лингвистических исследований Российской Академии наук (Россия).

Научные исследования, направленные на изучение проблем теории и номинации языка, прикладной и корпусной лингвистики, осуществляются в таких ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, как The Oxford Research Centre for Humanities (Oxford University), London Metropolitan University (Великобритания); New York University; Illion University, Chicago University (США); Hong Kong University (Гонконг); Stockholm University (Швеция); The Humboldt University (Германия); Edinburg University (Шотландия); Singapore University (Сингапур); Tsukuba University (Япония); Shanghai University of International Studies (Китай); Московский государственный лингвистический университет, Воронежский государственный университет (Россия); Киевский государственный университет (Украина).

В результате исследований, проведенных в мире по вопросам глобализации процесса номинации и номинативных единиц языка, были получены следующие научные результаты: разделены и классифицированы дифференциальные признаки вариантов искусственных языков, используемых в разных регионах мира научные институты ИПИ, ИППИ, ВЦ МГУ, крупные IT-компании АBBYY, Яндекс; Addison-Wesley Publishing Company, The Oxford hand book of computational linguistics //N.Y.: Oxford University press. , Foundations of Statistical Natural Language Processing //MIT Press. Cambridge, Association for Computational Linguistics (Великобритания); установлено влияние ряда факторов, таких как формы исследования по прикладной и компьютерной лингвистике Академия наук России; выявлены признаки стандартизации действующего языка (Oxford University (Великобритания); установлены причины и последствия распространения искусственных языков по всему миру The Oxford Research Centre for Humanities (Oxford University), London Metropolitan University (Великобритания); New York University, Illion University, Chicago University (США); определены методы анализа семантических, прагматических, когнитивных аспектов языка, используемого в качестве средства коммуникации в различных сферах социально-экономической деятельности (Ташкентский университет узбекского языка и литературы, Узбекский государственный университет мировых языков, Ферганский государственный университет).

⁴ Обзор зарубежных исследований по теме диссертации подготовлен на основе следующих источников: www.hu-berlin.de, www.ox.ac.uk, www.yale.edu, www.sas.ac.uk, www.leeds.ac.uk, www.agency-nationale-recherche.fr, www.cuni.cz, universityofcalifornia.edu, www.msu.ru, www.pushkin.edu.ru, www.navoiy-uni.uz др.

